Ўзбек ССР Давлат китоб палатасе
№ 8 ВУ
Ўзбек ССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 7 (8. 436) ◆ 1994 йил 18 январь, сешанба ◆ Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН— ҚИРҒИЗИСТОН: МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК

ШУ ЙИЛ 16 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РАСМИЙ ДЕЛЕГАЦИЯ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН БИШКЕКДА БЎЛДИ. ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ УЙИДА ЎТКАЗИЛГАН МУЗОКАРАЛАРДА ДАВЛАТЛАР, ҲУКУМАТЛАР ВА БАНКЛАРАРО — ЖАМИ САККИЗТА МУҲИМ ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

СУРАТДА: ҳужжатлар имзоланаётган пайт.

Маълумки, Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари — И. Каримов ҳамда Н. Назарбоев ташаббуси билан 10 январь куни Тошкентда икки давлат ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд ташкил этиш тўғрисида шартнома имзоланган, унга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкинлиги баён қилинган эди. Шу йил 1 февралдан амал қиладиган мазкур шартномага, томонларнинг розилиги билан, Қирғизистон ҳам тенг ҳуқуқли аъзо бўлди. Шундай қилиб, минтақамиздаги ишчи кучи, табиий заҳираларнинг кўп қисмини ўзида жам этган улкан иқтисодий ҳудуд барпо этилди.

Ташриф давомида, шунингдек, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, маориф, сайёҳлик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, 1994 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик, Ўзбекистон Марказий банки билан Қирғизистон Миллий банки ўртасида ўзаро ҳисобкитобни йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протоколга, савдодан ташқари тўловлар ҳақидаги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Музокаралар тугагач, Президентлар оммавий ахборот воситалари мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказдилар.

— Биз анчадан буён Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида иқтисодий иттифоқ барпо этиш, узилиб қолган ишлаб чиқариш алоқаларини шу йўсин тиклашга ҳаракат қиляпмиз, — деди журналистларга Қирғизистон Президенти Асқар Акаев. — Шундай иттифоқ тўғрисидаги шартнома тузилди, Ашгабатдаги учрашувда уни кучга киритиш ҳақида қарор қилинди. Лекин у кутилган натижани бермаяпти. Ана шундай шароитда ягона иқтисодий ҳудуд тузиш ҳақидаги Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат бошлиқларининг ташаббуси айни муддао бўлди. У ишчи кучи, моддий бойлик ҳамда маблағларнинг бемалол ҳаракатланишига, бошқача қилиб айтганда, иқтисодий алоқаларнинг тикланишига имкон яратади. Шу боис, биз ҳам бу шартномага бажонидил қўшилдик.

— Республикаларимиз истиқболга эришиб, БМТ ва бошқа бир қанча халқаро ташкилотларга аъзо бўлганимиз, жаҳонга юз тутганимиз, дунёдаги йирик мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатганимиз улкан воқеалардир, — деди Ислом Каримов. — Лекин, баъзида олислардан келадиган турли ёрдам ҳамда ваъдаларга ишониб, минг йиллар мобайнида кимлар билан енма-ён яшаганимизга етарли эътибор бермадик. Ҳолбуки, бизнинг тарихий илдизимиз — қонимиз, динимиз, дилимиз, тилимиз бир, битта ота-она фарзандларимиз. Шундай экан, ҳар қандай вазиятда елкадош, ака-укалардек иноқ бўлишимиз керак. Бирга бўлсак, бақамти ҳаракат қилсак, бизга ҳеч ким ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий тазйиқ ўтказа олмайди.

Биз ҳаёт тарзимизни ўзгартиряпмиз — иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказмоқдамиз. Маълумки, бизнимизда йўқ нарса бошқамизда бор. Демак, мол ва маблағлар ложи борича тез айланиши — бозорларимиз бир-бирини табиий равишда тўлдириб туриши тақазо этилади.

Биз бугун қабул қилган ҳужжатлар ана шунга шароит яратиб беради. 1 февралдан бошлаб божхоналар рамзий чегараларимиздан ўтаётган молларни текширишни, одамларни тинтув қилишни тўхтатади, улар фақат наркотик моддалар, қурол-яроғлар олиб ўтилишига йўл қўймайди. Хуллас, ҳеч бир давлат ўз қобиғига ўралиб олиб, бозор иқтисодиётини йўлга қўя олмайди.

...Тўхтағул Сотилғанов номидаги Қирғиз Давлат филармониясининг муҳташам биноси Бишкек шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан лиқ тўлди. Юксак мартабали меҳмон ва делегация аъзолари карнай-сурнай садолари, олқишлар билан кутиб олинди. Бу ерда Президент Ислом Каримов маънавият ва қадриятларни тиклашга кўмаклашувчи «Руҳоният» уюшмасининг «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик учун» Халқаро мукофотига сазовор бўлгани муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Нуфузли мукофот ва эсдалик совғаларини мазкур уюшма раиси Охун Тўхтасартов топширди.

Президент Асқар Акаев юксак мукофотнинг биринчи соҳиби — Ислом Каримовни самимий қутлаб, Ўзбекистон давлат раҳбарининг Марказий Осиё минтақаси халқлари ўртасида тинчлик, барқарорлик, осойишталикни сақлаш борасидаги тарихий хизматларини таъкидлади. — Қадрдонимиз Ислом Каримовга мазкур мукофотнинг берилиши ёлғиз «Руҳоният» уюшмаси ҳайъати ёки бир гуруҳ кишиларнинг қарори эмас, балки бутун Қирғизистон халқлари хоҳиш-иродасининг ифодасидир, — деди Асқар Акаев.

Сўзга чиққан жамоатчилик вакиллари ҳам Ислом Каримовни чин дилдан муборакбод этдилар.

Президент И. Каримов «Руҳоният» Халқаро уюшмаси ҳайъатига, Қирғизистон жамоатчилигига миннатдорлик изҳор этди. Сўнгра бугун имзоланган ҳужжатларнинг моҳияти, хусусан, қўшни республикалар иқтисодиётини яқинлаштириш, демакки, халқларимизни жипслаштириш борасидаги аҳамияти тўғрисида батафсил гапириб берди.

— Қабул қилинган қарор сиёҳи қуримасдан ишлай бошласа қандай яхши, — деди Президентимиз. — Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги шартнома ана шундай ҳужжатлардан бўлди. Одамлар у кучга кирадиган муддатни кутмасдан борди-келди, савдо-сотиқни бошлаб юбордилар. Бу бир дарёдан сув ичган қардошларнинг мақсадимиз муштараклигини, бирбиримизсиз яшай олмаслигимизни яна бир бор исботлайди.

Тантанали маросим Ўзбекистон ва Қирғизистон санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

Ташриф чоғида Ислом Каримовга Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Х. Жўраев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХУЖА,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Бишкек — Тошкент.

Бугунги кун нафаси

● Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

● Вазирлар маҳкамаси қурилиш, транспорт ва алоқа мажмуаси ҳамда маиший хизмат вазирлигининг қўшма мажлисида коммунал хўжаликлар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилди.

● Шаҳрихоннинг Сегазақум қишлоғида Туркиянинг машҳур «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда йилига 3 миллион дона эркаклар, хотин-қиз ва болалар кийими ишлаб чиқарадиган мажмуа барпо этилмоқда. Бу ерда шу йилнинг тўртинчи чорагидаёқ маҳсулот ишлаб чиқарила бошланиши керак.

● Россия Президенти Борис Ельцин мамлакат Бош вазирининг биринчи ўринбосари Егор Гайдарнинг истеъфосини қабул қилди.

● 15 январь куни ўтказилган референдум натижаларига кўра Сапармурод Ниёзов сайлов ўтказилмасдан иккинчи беш йилликка — 2003 йилгача Туркманистон Президенти лавозимида қолади. Референдумда сайловчиларнинг 99,9 фонзи иштирок этиб, улардан 212 кишигина Президент ваколатларини иккинчи муддатга узайтиришга қарши овоз берган.

● Қозоғистон мудофаа вазирлиги Манқишлоқ ярим оролида ўз ҳарбий-денгиз базасини яратишга киришди.

● Волга автомобиль заводидан сўнг Россиядаги иккинчи ана шундай йирик автомобиль корхонаси — 25 минг кишилик Москва АЗЛК 1 февралгача асосий ишлаб чиқаришларни тўхтатишга мажбур бўлди.

● Шимолий Осетия Олий Кенгашининг раиси Ахсарбек Галазов бу республика президенти этиб сайланди.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Женевада Сурия Президенти Ҳафиз Асад билан учрашгандан сўнг Европага ташрифини ниҳоясига етказиб юртига қайтиб келди.

● Мексика ҳукумати январь ойининг биринчи ярмида Чьяпас штатида кўтарилган қуролли исёнда иштирок этганларни афв этди.

● Шимолий Корея ҳам Хитойдан ўрнак олиб, очиқ бозор иқтисодиётига ўтиш ниятида. Шу мақсадда мамлакат раҳбари Ким Ир Сен иқтисодий ислоҳотларни ўтказишни муҳокама қилиш учун Пекинга ташриф буюришга тараддуд кўряпти.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Н. А. НАЗАРБОЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА

ҚЎШМА АХБОРОТ

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбоев 1994 йилнинг 10—12 январь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбоев ўртасида муфассал суҳбатлар бўлиб ўтди. Мустаҳкам дўстлик алоқаларининг юқори даражада эканлиги, сиёсий ва иқтисодий, гуманитар ва маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг самара бераётганлиги қайд этилди. Дўстлик ва тўла ўзаро ҳамфикрлик руҳида ўтган музокаралар чоғида турли соҳаларда келгусидаги амалий ҳамкорлик йўллари белгилаб олинди, ўзаро манфаатли бўлган кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар ўз давлатларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилдилар, Марказий Осиё минтақасидаги, МДҲдаги вазиятлар хусусида, шунингдек, бир қанча турли халқаро муаммолар бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Шу нарса алоқида таъкидландики, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йилнинг январь ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида эришилган аҳдлашувлар минтақадаги аҳволни барқарорлаштиришнинг муҳим омили бўлди, иқтисодий интеграция, ушбу минтақада яшовчи халқларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун яхши истиқболлар очди.

Иккала давлат раҳбарлари мавжуд чегараларнинг ўзгармаслигини тасдиқладилар, Тожикистон-Афғонистон чегарасида вужудга келган вазият муносабати билан минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича қилинган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватладилар.

Музокаралар давомида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликнинг аниқ йўллари ва йўналишлари белгилаб олинди.

Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш мақсадида Президентлар И. А. Каримов ва Н. А. Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит-ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Шартнома контекстида шу нарса қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ягона иқтисодий макон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иқтисодий иттифоқни тузиш тўғрисидаги шартнома қоидаларини ривожлантириш, 1994—2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасини иқтисодий интеграциялашни чуқурлаштиришга доир қўшма дастурни амалга ошириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси чегаралари орқали киришда ва чиқишда иккала мамлакат фуқароларининг юкларини ва қўлда олиб юриладиган юкларини божхона текширувидан ўтказишни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди, шунингдек, божхона тўловларини бекор қилиш ҳамда солиқларни, йиғимларни ва бошқа чеклашларни аста-секин камайтириб бориш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Ўзаро тўловларни амалга ошириш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Қозоғистон Республикаси Миллий банки Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон — Қозоғистон» ҳамда Алмати шаҳрида «Қозоғистон — Ўзбекистон» клиринг палаталарини ва Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қозоғистон Республикасининг бошқа шаҳарларида уларнинг филиалларини, шунингдек, валюта алмаштириш пунктларини очишлар, бу тўғрида иккала мамлакат ҳукуматлари ва банклари ўртасида тегишли шартномалар имзоланди.

Халқларнинг тарихи ва маданиятининг муштараклигини, асрий дўстлик алоқаларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари томонидан маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида битим имзоланди.

Учрашувлар ва суҳбатлар давомида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1992 йил 24 июнда имзоланган шартноманинг қандай бажарилаётгани таҳлил қилинди. Томонлар ўзаро алоқаларнинг аҳволидан, иқтисодий интеграциянинг боришидан мамнун эканликларини изҳор этдилар, ҳамкорликнинг, шу жумладан, мудофаа сиёсати соҳасида ҳам ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб олдилар. Мудофаа вазирликларига яқин фурсатда ушбу масалалар комплексини кўриб чиқиш, ҳарбий соҳадаги ҳамкорликка ва ҳарбий қурилишни мустаҳкамлашга, шу жумладан, иккала мамлакатнинг ҳарбий ўқув юртлари базасида мутахассислар тайёрлашга доир аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, тегишли битим тайёрлаш юклатилди.

Томонлар ташриф вақтидаги суҳбатлар давомида ҳам, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг шу йилнинг 11 январь куни Нукус шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида ҳам Орол денгизи ҳавзасида экология, атроф муҳитни муҳофаза этиш масалаларини муҳокама қилдилар. Ушбу йўналишдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Томонлар, ҳозирдаёқ яратилган мустаҳкам заминга таянган ҳолда, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини бундан буён ҳам ривожлантиришга аҳд лашдилар.

Томонлар, ташриф якунларидан мамнун эканликларини изҳор этган ҳолда, шуни қайд қиладиларки, бўлиб ўтган амалий ва самарали музокаралар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги тарихий дўстликни, ўзаро ҳамфикрликни ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1994 йил 10 январь.

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ САФАРИ ЯКУНИ ҲАҚИДА

ҚЎШМА АХБОРОТ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаевнинг таклифига биноан 1994 йил 16 январь куни Президент И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат делегацияси Қирғизистон Республикасида бўлди.

Икки давлат раҳбарининг тўла ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбат ва музокараларида янада мустаҳкамлаш, барча соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар бир-бирига ўз мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида ахборот бердилар. Иккала томонни қизиқтирган кўпгина масалалар муҳокама этилди. Томонлар Марказий Осиёда, мустақил давлатлар ҳамдўстлигида юзага келган вазият, шунингдек бир қатор халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар пайтида Марказий Осиё раҳбарларининг 1993 йил январдаги Тошкент учрашувида эришилган келишувларининг муҳим аҳамияти қайд этилди. Бу келишув иқтисодий бирлашиш жараёнларини чуқурлаштиришда кенг истиқболлар очди.

Иккала давлат раҳбари давлатлар ўртасидаги мавжуд чегараларнинг дахлсизлигига риоя қилиш муҳимлигини алоҳида қайд этдилар, Марказий Осиёда, энг аввало, тожик-афғон чегарасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги хусусида фикр билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича муҳим аҳдномаларга эришилди, иккала томон ҳам минтақа мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан бирлашиш жараёнига кўмак беришга ҳозир эканлигини маълум қилинди.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1994 йил 10 январь куни имзоланган ягона иқтисодий маконни барпо қилиш хусусидаги шартномага юксак баҳо бериб, томонларнинг розилиги билан Қирғизистон Республикаси ҳам бу шартномага қўшилишини баён қилди.

Ягона иқтисодий макон хусусидаги шартнома товар-мол, ҳар хил хизматлар, маблағ ва ишчи кучларининг шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар ҳудудида эркин бўлишини, бу давлатлар ўртасидаги ўзаро келишилган ҳисобкитоб-кредит, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини таъминлайди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг иқтисодий имкониятларни бирлаштириш ҳақидаги янги қарори бу мамлакатлар фуқаролари чегарадан ўтаётганида уларнинг юкларини божхона текширувидан ўтказишни, шунингдек божхона божларини бекор қилишни ҳамда солиқлар, тўловлар ва бошқа турдаги чеклашларни камайтиришни кўзда тутади. Ўзаро тўловларнинг ўтишини осонлаштириш мақсадида, бу мамлакатларнинг Марказий (Миллий) банклари пойтахтларда клиринг палаталарини, ўз мамлакатларининг бошқа шаҳарларида бу палаталарнинг филиалларини, шунингдек валюта алмашув пунктларини очади.

Томонлар ягона иқтисодий макон барпо қилиш ҳақидаги шартнома Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иқтисодий иттифоқ тузиш ҳақидаги шартномага тўла мос келишини ҳамда мустақил давлатлар иқтисодий жиҳатдан бирлашувининг янги босқичи бўлишини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ягона иқтисодий макон барпо қилиш ҳақидаги шартноманинг барча учун очиклиги мустақил давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш ва самарали иқтисодий муносабатларни ривожлантириш йўлидаги муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида, 1994 йилда ўзаро ҳисобкитобларни ташкил этиш ҳақида, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида битимлар, савдодан ташқари тўловлар ҳақидаги битимга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида протокол имзоланди.

Томонлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар. Шу муносабат билан 1994 йил 11 январь куни Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг конференциясида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича қабул қилинган қарорларнинг муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Бу қарорлар шу соҳадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган.

Музокаралар пайтида икки дўст мамлакат ўртасидаги шартномавий—ҳуқуқий асосни янада ривожлантириш ҳақида келишувга эришилди.

Маънавиятни қайта тиклаш «Руҳоният» Халқаро уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти, атоқли сиёсат ва давлат арбоби И. Каримовнинг фаолиятини муносиб баҳолаб, Марказий Осиё халқлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга қўшган катта ҳиссаси учун унга «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик учун» мукофотини топширди.

Томонлар сафар натижаларидан қаноат ҳосил қилиб, бўлиб ўтган амалий ва самарали музокаралар икки қардош халқ ўртасидаги тарихий дўстлик, аҳиллик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Бишкек шаҳри, 1994 йил 16 январь.

Қирғизистон Республикаси Президенти
Асқар АКАЕВ.

• Тошкент шаҳри ва вилояти: ҳамкорликнинг янги уфқлари

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

14 январь куни Тошкент шаҳри Ҳокими А. И. Фозилбеков ва Тошкент вилоятининг Ҳокими М. Б. Икромов Тошкент шаҳри ва вилояти ўртасида 1994 йилда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Тошкент вилоятининг Ҳокими М. Б. Икромов шартномани имзолаш маросимида сўзга чиқиб, бу ўзаро манфаатли ҳамкорлик Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ўртасида таркиб топган хўжалик-иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилганлигини айтди.

Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков шартномада ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзасидан кўзда тутилган чора-тадбирлар ўзига хос дастур бўлиб, у сўзсиз тўла ҳажмда бажарилиши кераклигини алоҳида уқдирди.

Имзоланган шартномага биноан Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани вилоятдаги туманлардан бирини оталиққа олди. Тошкент шаҳрининг корхона ва ташкилотлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида қишлоқ жойларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига ҳар хил хизмат турларини кўрсатиш юзасидан тахминан уч мингтага яқин ишчи ўринлари ташкил этадилар. 8 та қишлоқ туманида 19 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган сабзавот омборлари қурилиши ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, шаҳар туманлари қишлоқдаги 22 та чорвачилик фермаларини оталиққа оладилар.

Тошкент вилояти хўжаликлари эса 1994 йилда давлат буюртмаси асосида маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда пойтахт аҳолиси дастурхонига 35 минг тонна картошка, 144 минг тонна сабзавот, 10 минг тонна [illegible], 8 минг тонна узум [illegible] қиладилар. Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида вилоят хўжаликларида етиштирилган ноз-неъматларни сотиш бўйича иккитадан фирма дўкони ёки уларнинг бўлимлари ташкил қилинади.

Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолашга бағишланган Тошкент шаҳри ва вилоятининг туманлари ҳокимлари учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов иштирок этди.

• • •

СУРАТДА: шартноманн имзолаш пайти.
Даврон Аҳмад сурати.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Олий Мажлисга сайлов ўтказишнинг асосий принциплари

Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган икки юз эллик нафар депутатдан иборат.

Олий Мажлис депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Олий Мажлисга депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

5-модда. Яширин овоз бериш

Олий Мажлис депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик

Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссияларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар. Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаш чоғида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан биттадан вакил (кузатувчи), матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ўз вакиллари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

II. САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

7-модда. Сайлов округларини тузиш

Олий Мажлисга сайлов ўтказиш учун икки юз эллик ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн беш кун ичида эълон қилади.

8-модда. Сайлов участкалари тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган жойдаги сайлов округига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари шаҳар, туман ҳокимларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайлов тайинланганидан кейин ўттиз кундан кечикмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

III. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

9-модда. Сайлов комиссиялари тизими

Олий Мажлисга сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун:

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси;

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

участка сайлов комиссиялари тузилади.

10- модда. Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан раис ва камида ўн тўрт нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси таркибига Қорақалпоғистон Республикасидан, ҳар бир вилоятдан ва Тошкент шаҳридан вакиллар киритилади.

Комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссиянинг биринчи мажлисида унинг аъзолари орасидан сайланади. Марказий сайлов комиссияси ўз таркиби, жойлашган манзили ва телефон рақамларига доир маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг расмий матбуот органларида эълон қилади.

11-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси:

1) республиканинг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ва изоҳлар бериб боради;

2) сайлов округлари тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

3) округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

4) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, уларнинг таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорларини, башарти бу қарорлар ушбу Қонунга зид бўлса, мустақил тарзда ёки республика Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши мумкин;

5) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

6) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан биттадан вакил (кузатувчи), матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ўз вакилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

7) депутатликка номзодларни рўйхатга олади;

8) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлайди;

9) маблағларни сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссиялари бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

10) Олий Мажлис депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари баённларининг, сайловларга доир бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, сайлов қутилари ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

11) Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, давлатнинг бошқа органлари ва жамоат бирлашмалари органлари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

12) сайловнинг республика бўйича умумий якунини чиқаради, сайланган депутатларни рўйхатга олади, Олий Мажлисга ўтказилган сайлов якунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

13) депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни Олий Мажлиснинг мандат комиссиясига топширади;

14) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

16) сайловни ўтказиш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивларга ўтказилишини таъминлайди;

17) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

12-модда. Округ сайлов комиссиясини тузиш

Округ сайлов комиссияси сайлов тайинланганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан йигирма кундан кечикмай раис, раис ўринбосари, котиб ва яна камида 6 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси:

1) сайлов округи ҳудудида ушбу Қонун ижросини назорат қилади;

2) сайлов участкалари тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

3) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

5) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароит яратилишини таъминлайди;

6) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради;

7) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

8) депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

9) сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари вакилларининг, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

10) сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

11) сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминланишини ташкил этади;

12) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

13) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилишини ташкил этади;

14) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси тузади. Участка сайлов комиссияси сайлов тайинланганидан кейин эллик кундан кечикмай 5—19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Башарти комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.

Участка сайлов комисияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

15-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади;

4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

5) овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилгани тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сайлов комиссиясига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

17-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати

Башарти сайлов комиссиясининг мажлисида шу кунги комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённа илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоларидан бири комиссиянинг қарорига биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

IV. САЙЛОВНИ ТАЙИНЛАШ, ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

19-модда. Олий Мажлис депутатлари сайловини тайинлаш

Депутатлар сайлови аввалги чақириқ Олий Мажлис депутатларининг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Сайлов тайинланганидан кейин кечи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади.

20-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина у Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиши мумкин. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан ўн фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

21-модда. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайлов тайинланганидан кейин йигирма кун ичида Марказий сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

имзо варақалари.

Мазкур ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ариза қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб республика матбуотида эълон қилинади.

22-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхатилади.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка икки юз эллик нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округида биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларининг ўзлари ҳал этадилар.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни, ҳокимиятнинг вакиллик органлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баён тузилади.

Сиёсий партиянинг ҳокимият вакиллик органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш илтимоси баён этилган ариза билан Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессиясининг Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баёни, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг тегишли сайлов округидан номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

ушбу Қонун 23-моддасининг олтинчи қисмида қайд этиб ўтилган шахслар учун, улар Олий Мажлис депутати этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисидаги аризалари.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси етти кунлик муддат ичида тақдим этилган ҳужжатларни текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида ўз хулосасини беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида бу ҳужжатларни тақдим этган сиёсий партияларнинг ва ҳокимият вакиллик органларининг раҳбарларини белгиланган тартибда хабардор этади.

23-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар

Қуйидагилар:

судланганлиги Қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

24-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

Ушбу Қонунга мувофиқ депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Тегишли округ сайлов комиссияси депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва турар жойини, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номини қайд этган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда эълон қилади.

V. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ. ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҚАФОЛАТЛАРИ

25-модда. Сайловолди ташвиқоти

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний ҳусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

26-модда. Ишончли вакиллар

Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан тўғридан-тўғри муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

Олий Мажлис депутатлигига номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтида ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

27-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни сайловолди тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш

Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувларида ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

28-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг транспортда текинга юриш ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат пассажир транспортининг барча турларида таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан турар жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

29-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодлик мақомидан маҳрум этиш, Депутатликка номзодликдан воз кечиш

Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи сайловга қадар истаган вақтида у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилади. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатган партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум бўладилар.

Олий Мажлис депутатлигига номзод сайловга қадар истаган вақтида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

VI. САЙЛОВЧИЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ, САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

30-модда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчиларни ҳисобга олишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, ҳарбий хизматчилар онла аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, башарти улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг турар жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарларининг тақдим этган маълумотлари асосида тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва манзили акс эттирилади.

31-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари бидан таништириш

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

32-модда. Сайловчилар рўйхатлари хусусида баҳслашув

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони тузатиши ёки аризачига унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

33-модда. Сайлов бюллетени

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилади.

Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда нашр этилади.

34-модда. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

VII. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

35-модда. Овоз бериш биноси

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

36-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов куни соат 7 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

37-модда. Овоз беришнинг бошланиши

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

38-модда. Сайловчининг шахсини аниқлаш

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирор-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилиялари кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

39-модда. Овоз бериш тартиби

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўчиради.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақасининг шакли Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, уларнинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

40-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш тақиқланади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетени олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Сайлов қутиларидаги бюллетенлар ва сайлов варақаларига асосан комиссия:

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, сайлов варақалари сонини аниқлайди.

Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва сайлов варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетени ёки варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, баённда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

41-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Участка сайлов комиссияларининг баённари асосида округ сайлов комиссияси:

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланиб, баённда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланиб, белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

42-модда. Олий Мажлисга депутатлар сайловининг натижаларини аниқлаш

Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённлар асосида:

республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларнинг сонини;

депутатликка номзодлар кўрсатган ҳар бир сиёсий партияни ёқлаб берилган овозларнинг умумий сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенларининг сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган Олий Мажлис депутатлигига номзод депутат этиб сайланган ҳисобланади.

Башарти сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланади.

Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қондабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ўтмаган деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Айрим сайлов участкаларида сайлов ҳақиқий эмас деб топилгани тақдирда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижалари, башарти бу натижаларсиз ҳам сайлов умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса, сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича баён тузади ва қарор қабул қилади.

43-модда. Такрорий овоз бериш

Башарти сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган Олий Мажлис депутатлигига номзод, башарти рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этган ва уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

44-модда. Такрорий сайлов

Қуйидаги ҳолларда:

а) башарти сайлов округида сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилса;

б) башарти такрорий овоз бериш Олий Мажлисга депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

в) башарти сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса;

г) башарти Марказий сайлов комиссияси ушбу Қонун 46-моддасининг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган сабабга кўра депутатни рўйхатга олишни рад этган бўлса, такрорий сайловлар ўтказилади.

Такрорий сайлов Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Асосий сайлов ўтказиш вақтида номзоди кўрсатилган ва Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахс ана шу ва бошқа округда такрорий сайлов чоғида депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ой ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

45-модда. Бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайловини ўтказиш

Олий Мажлис айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда тегишли округларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан бошлаб икки ой ичида янги сайлов ўтказилади. Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланиб, ушбу Қонуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловларга йигирма беш кун қолганида, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тўхтатилади.

Олий Мажлис ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Олий Мажлис депутатининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

VIII. ДЕПУТАТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

46-модда. Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённлар асосида Олий Мажлисга сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор этади.

Ушбу Қонун 23-моддаси олтинчи қисмида кўрсатиб ўтилган, Олий Мажлис депутати этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясига Олий Мажлис депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Муайян сиёсий партиядан кўрсатилган ҳамма номзодлар, башарти улар сайловда овоз беришда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси барча сайловчиларининг камида беш фоизи овозини тўпламаган бўлсалар, Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинмайдилар.

47-модда. Олий Мажлис депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиш

Сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг рўйхатини Марказий сайлов комиссияси алифбо тартибида депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда кўпи билан ўн кун ичида эълон қилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

48-модда. Олий Мажлис депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони

Округ сайлов комиссияси Олий Мажлис депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин округдан сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Олий Мажлис томонидан депутатнинг ваколатлари тасдиқланганидан кейин депутат этиб сайланганлиги тўғрисида унга берилган гувоҳнома Олий Мажлис депутати гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга белгиланган намунадаги кўкракка тақиладиган нишон берилади.

49-модда. Сайловнинг молиявий таъминоти

Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан пул билан таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

50-модда. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик

Сайловчиларнинг Олий Мажлисга сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан ўн кун кейин амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси 16 кишидан иборат таркибда тузилсин:

Марказий сайлов комиссиясининг раиси:

Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари:

Анорқулов Алишер Аҳмедович — Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳар ҳокимлиги иқтисодиётини мувофиқлаштириш ва статистика масалалари бўлимининг мудири

Богачев Михаил Григорьевич — Навоий шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

Болтаев Шариф Олимович — Бухоро давлат университетининг доценти

Ёрқулов Мухтор — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг референти

Исоқов Абдурауф Абдураззоқович — Самарқанд вилоятидаги Каттақўрғон шаҳар судининг судьяси

Исфандиёрова Дилором — Сирдарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

Йўлдошев Шавкат Тўрақулович — Жиззах шаҳар нотариуси

Муқимов Чори — Қашқадарё вилоят суди раисининг ўринбосари

Наримбетов Жанабой — Нукус давлат педагогика институтининг проректори

Нуниязов Искандар — агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Хонқа туман қўмитасининг раиси, Хоразм вилояти

Пирматов Сирожиддин — Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги С. Ашуров номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи

Сандкаримов Сандиаби — Тошкент шаҳридаги Беруний номли маҳалла фуқаролари йиғинининг раиси

Сотволдиев Абдуманнаб Маматхалилович — Фарғона вилоятидаги Қува туман марказий касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари

Тўхтаров Холмурод — Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги 17-ўрта мактаб директори

Шералиев Абдураззоқ — Наманган вилоятининг Норин туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси.

2. Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ комиссияни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартибини йўлга солувчи Низомни ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси тузилиши муносабати билан Олий Кенгашнинг 1989 йил 20 октябрдаги Қарорига биноан тузилган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари тугатилди деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ваколатлари тугагунга қадар Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг вазифаларини бажариб туриш топширилсин.

5. Ушбу Қарор «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун кучга кирган вақтдан бошлаб амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 декабрь.

** Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

ИДРОК ВА ТАЛҚИН

Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома»си, муаллифнинг ўзи қайд этганидек, Навоийнинг «ҳаёт китоби». Барот Бойқобиловнинг ўн йиллик меҳнати самараси бўлмиш тўрт шеърий романдан ташкил топган йирик асар. Унда Навоийнинг болалик йилларидан то умрининг охиригача бўлган ҳаёти кенг ва атрофлича ёритилади. Аслида, бир буюк тарихий шахс, даҳо шоир ҳаёти ва фаолиятини батафсил кўрсатиб бериш —илмнинг вазифаси. Гарчи навоийшунослигимизда бобокалонимиз таржимаи ҳолини ўрганиш бўйича талай ишлар амалга оширилган бўлса-да, бу борада қилинажак юмушлар жуда кўп. Соф бадиий асар бўлгани билан, «Навоийнома» халқимизга Навоий ҳаётини тушунтириб беришдек маърифий вазифани ҳам бажаради.

Албатта, Барот Бойқобилов талай мўътабар тарихий манбаларни, Навоий асарларини синчиклаб ўрганган, шу билан бирга навоийшунослигимиз эришган ютуқлардан ҳам тўла баҳраманд бўлган. Лекин бобокалонимиз ҳаёти ва ижодига муносабатда Барот Бойқобилов ҳамма вақт ҳам мавжуд илмий қарашларга эргашиб кетаверган, деб тушунмаслик керак. Талай нозик масалаларда «Навоийнома» муаллифининг нуқтаи назари шу пайтгача мавжуд тадқиқотлардаги қарашларга зид ва энг муҳими, ана шу шоирона талқинлар илман ҳам ҳаққоний.

Шу пайтгача илмимизда ҳам, бадиий навоийномамизда ҳам Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатлари хийла бир ёқлама ёритилган. Шоҳ бўлгани учун Ҳусайн Бойқаро сиймоси асосан қора бўёқларда чизиб келинган эди. «Навоийнома»да бундай бир ёқламалик йўқ. Шоиру шоҳ муносабатларини ҳаётда қандай бўлган бўлса, шундайича — бутун мураккабликлари билан ёритишга ҳаракат қилинган.

Бадиий навоийномамизда, баъзан илмимизда ҳам Навоийнинг туркий тил равнақи учун кураши бироз бўрттириброқ тасвирланди. Тўғри, улуғ бобокалонимиз тилимизнинг форсий забондан сирасира қолишмаслиги, ҳатто баъзи жиҳатлардан муайян устунликларга эга эканлигини ҳам амалий, ҳам назарий асарлари билан исботлаб берди. Бироқ ҳеч қачон унда форсий тилни камситиш тамойили бўлган эмас. Навоий форсий-туркий зуллисонайнлиги муҳитида ўсиб-улғайди, қай бир маънода шу тиллардаги адабиётнинг синтези янглиғ пайдо бўлган бой бир оҳорий мерос қолдирди. «Навоийнома»да ана шу зуллисонайнлик муҳити жуда яхши кўрсатилган. Адабиётимиз учун янгилик бўлган Абдураҳмон Жомий сиймосининг яратилиши, талай форсий шеърий парчаларга ҳам ўрин берилиши, Навоийнинг форсийзабон шоирларга муносабатлари шундан далолат беради.

Илмимизда Алишернинг Самарқанддаги ҳаёти дастлабки даври камбағалликда кечган, деган ақида бор эди. Бу — ҳақиқатга мос келмайдиган, аниқроғи, совет мафкурасидаги камбағалпарастликнинг таъсирида юзага келган бир қараш эди. «Навоийнома»да бундай ноўрин талқинга барҳам берилади.

Навоий қайси шеърини қандай вазиятда, қачон ва қай бир ҳаётий воқеа ё ҳодисанинг таъсирида битган? Буни аниқлаш илм учун мушкул бир вазифа. Лекин Навоий ҳақида бадиий асар ёзаётган муаллифда шеърларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, муайян ҳаётий таъсир натижасида, демакки, ички бир инсоний зарурият маҳсули ўлароқ қоғозга тушгандек қилиб кўрсатиш имконияти бор. Бундай қулай имкониятдан «Навоийнома»да ҳам жуда унумли фойдаланилган. Бундай талқинлар эса навоийшунослик учун ўша шеърни таҳлил этишда озми-кўпми қўл келиши мумкин.

Кўрониб турибдики, бир улуғ тарихий шахс ҳақида бадиий асар битаётган муаллифнинг ўша муҳтарам зот ҳаёти ва шахсиятини илмдагидан кўра кенгроқ, тафсилийроқ, таъсирчанроқ ёритиш имконияти мавжуд. Очиғи, адиб ё шоирни тарихий шахснинг ҳаққоний ҳаёти эмас, балки ижодкор бадиий концепциясига хизмат қиладиган жиҳатларигина кўпроқ қизиқтиради. Шу маънода қаралганда, Барот Бойқобилов ҳар қанча бобокалонимиз ҳаётига оид нуқталарни имкон қадар тўлароқ қамраб олишга ҳаракат қилгани билан, «Навоийнома»да биз тарихий шахс Навоий билан эмас, Барот Бойқобилов идроки ва талқинидаги Навоий билан юзлашамиз.

Хўш, Барот Бойқобиловнинг Навоийси ким?

Ҳаётда бир кишининг ёрқин бир шахс бўлиб етишуви осонми дейсиз? Ана энди Навоийнинг Навоий бўлиб камол топиши қанчалар мураккаб ҳаётий курашлар билан кечганини бир тасаввур қилиб кўринг. Ҳаёт ҳеч қачон буюкларни сийлаган эмас. Тафаккур уфқи ҳар қанча юксакликларга етган бўлмасин, барча улуғ зотлар каби, Навоий ҳам ҳаётнинг сиз билан биздан кўра минг чандон кўп азоб-уқубатини бошидан кечиргани рост. Шоир мана бу мисраларини бекорга битмаган, ахир:

Ғаҳи тоқдим фалакдин
нотавонлиқ,
Ғаҳи кўрдум замондин
комронлиқ.
Басе иссиқ-совуқ кўрдум
замонда,
Басе аччиқ-чучук тотдим
жаҳонда.

Барот Бойқобиловни Навоий ҳаётининг ана шу «иссиқ-совуқ», «аччиқ-чучук» жиҳатларини бирдай кўрсатиш қизиқтирган. Романларни мутолаа қилар экансиз, хаёлингиздан:

Бир шоир бошида шунча
можаро!..

деган ўй кечаверади. Чунки Навоий ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳамиша ҳақиқат тарафида, халқ тарафида турди. Доимо у эзгулик билан ёвузликнинг кураши қаламга олинади.

Биласиз, эзгулик ҳамиша гул каби нозик, булбулдек нолон. Шу нафислиги билан у ёвузликнинг чақир тиканларию бургутникидек чангалларига қарши курашга чоғланади. Навоийнинг шахс сифатида ривожланиб, кучайиб бориши билан эзгуликнинг ғалабаси ҳам кўпаяверади. Ҳаёт Навоийни ҳам чарчатмай қўймаслиги аниқ. Шоир қарий боргани сари мамлакатда адлу инсоф камайиб, ёвуз кучларнинг қўли баланд кела бошлайди. «Навоийнома»даги тўрт романнинг номланиши ҳам, мазмун ва мундарижаси ҳам ана шу бош мантиқни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Алишер туғилган, болалиги кечган, йигит бўлиб вояга ета бошлаган давр унинг ўзи учун ҳам, Хуросон мамлакати учун ҳам нотинч давр эди. Шоирнинг 25 ёшигача бўлган даври қаламга олинган биринчи роман шунинг учун ҳам «Нотинч Хуросон» деб аталади.

25 ёшида Алишер Самарқандга келди. Бу ерда икки йилдан ошиқроқ муддат яшади, таълим олди, ижод қилди. Навоийдек бир зотнинг Самарқандга келиши ҳам бир шукуҳли карвон эди, унинг юрти — Ҳиротга қайтиши ҳам айни шундай шукуҳли карвон эди. Шунинг учун ҳам иккинчи роман номи — «Шукуҳли карвон».

1469 йилнинг бошида Навоийнинг дўсти — Ҳусайн Бойқаро тахтни эгаллади. Шоҳ дўсти — Навоийни ҳам саройга чорлади. Ҳусайн Бойқаронинг 38 йиллик ҳукмронлик даври Хуросон мамлакатида туркий ва форсий маданиятнинг энг гуллаган даври бўлди. Ҳусайн Бойқаро замонидаги бундай маърифий фазлу камолга эришувда, шубҳасиз, Алишер Навоийнинг ҳам улкан ҳиссаси бор эди. Шоирнинг ана шу 25 ёшидан 45 ёшигача, яъни машҳур «Хамса»сини ёзиб тугаллаганигача бўлган йигирма йиллик ҳаёти қаламга олинган учинчи роман шунинг учун ҳам «Сокин Хуросон» дейилади.

Темурийзодалар феълу атворидаги тахт учун қонсираб курашишлар, айшу ишратга берилиш, Ҳусайн Бойқаро билан Навоийнинг қарий бошлаши билан мамлакатнинг аввалги шон-шавқатига путур ета борди. Навоийнинг сўнгги ўн беш йиллик умри ана шундай инқирозлар бўсағасида кечди. Чиндан ҳам, шоир вафотидан беш-олти йил ўтиб-ўтмай, юртни ёғий босди, аввалги буюк Хуросон салтанатидан ном-нишон қолмади. XV асрнинг сўнгги ўн беш йили Навоий ҳаёти акс эттирилган тўртинчи романнинг «Қонли Хуросон» деб номланиши бу жиҳатдан ўзини оқлайди.

«Навоийнома»да улуғ шоир шуҳратини кўролмасдан ҳасад ёғида қоврилиб, фисқу фасод тарқатган бадниятли кишилар образлари ҳам анчагина. Уларнинг аксарияти тўқима образлар. Бироқ асарда тахт учун, мансаб учун курашлар тасвири бош масалалардан бирига айланган. Бу мавзуни ёритиш учун темурийлар замонидек бой бир тарих бўлмаса керак. Шуни ҳам айтиш лозимки, гарчи воқеалар XV асрда кечса ҳам, улар умуминсоний моҳият касб этади. Барот Бойқобиловнинг мақсади тарих воситасида ўз даври кишилари билан сўзлашиш бўлгани учун ҳам асарида бевосита «Навоийнома» битилган даврлар дардларини ҳам изҳор этади.

Асарнинг яна бир аҳамияти шуки, уни ўқиб, XV асрда аждодларимиз — турк, яъни ўзбекларнинг жаҳоннинг кенг ҳудудларида кезиб юрганини кўрамиз. Биргина Навоий мисолида фикру туйғуда ҳам халқимиз инсониятнинг ўша даврда эришган энг олий даражасига чиққан эди. Мана, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон яна қайтадан жаҳонга юз очяпти. Алишер Навоийдек улуғ бободаримиз бизни фикру туйғуда ҳам жаҳоннинг олий даражалари сари чоғлайди.

«Навоийнома» каби асарларимиз онгу шууримизда ана шундай орзунинг қанот ёзишига кўмаклашиши аниқ.

Шу ва бир мақола доирасида айтиш имкони бўлмаган бошқа талай фазилатлари билан «Навоийнома» — мамлакатимизнинг Алишер Навоий номидаги мўътабар Давлат мукофотига муносиб йирик шеърий асардир.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди.

НОЛАЛИ ДОСТОН

«Қатағон — 20-аср ўлатидир...

Асарни ўқир эканман, беихтиёр кўзларимдан дув-дув ёш оқаверди. Чунки 6 ойлик чақалоқ вақтимда онламиз билан Украиннанинг Херсон вилоятига бадарға қилинганмиз. У ерда тортган азоб-уқубатлар, айниқса уруш даврида фашизм қамалида қолиб, ота-онасиз, оғир шароитда яшаб, минг бир ўлимлардан омон қолганим кўз ўнгимдан ўтаверди.

Бундай асарни яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундай асар ёзишнинг ўзи бир даҳшат. Чунки муаллиф ўша қора куларни яна бир бор эслаши, ўзини яна ўша даҳшатли қамоқхоналарда ҳис қилиши, қамоқхоналардаги бошидан ўтган ҳамма фожиаларни бирма-бир эслаши керак. Буни ижро этиш жуда оғир ва машаққатлидир...

Собир МУМИНОВ.

Бундай асар ёзишнинг, дарҳақиқат, ўзи бўлмайди. «Кафансиз кўмилганлар» қандай асар ўзи? Таъбир жоиз бўлса, у инсон қадру қиммати тўғрисидаги дард тўла достондир! Ушбу достоннинг ҳар бир боби —изтироб, ҳар бир сатри ҳадсиз алам билан тўлиб-тошган. Худди шунинг учун ҳам китобни ёзиш у ёқда турсин, бардош билан ўқиб чиқишнинг ўзи ҳам даҳшатдир.

«Кафансиз кўмилганлар» қандай асар ўзи? Роман-хотирами? Публицистик романми? Муаллиф ўз асарига жанр қўймаган. Сабаби қатағон йилларининг азоб-уқубатларини тасвирлашда жанр ожизлик қилади. Хотиранинг, аламларнинг жанри йўқ...

Китобни варақлар экансиз, дастлаб у ҳали сизга худди тушдек, худди чўпчакдек туюлади. «Шуни ҳам ёзибди-я, муаллиф» деган хаёл кўнглингиздан кечмоғи ҳам тайин. Лекин беш-олти варақ ўқиганингиздан кейин, энтикиб кетасиз. Худди ўзингизни тубсиз қудуққа тушиб кетаётгандек ҳис этасиз. Бу тубсиз қудуқ—қатағон хотираси, уни муаллиф билан бирга яна бир карра бошдан кечириш азоби.

«Кафансиз қўмилганлар»нинг аниқ жанрини белгилай олмадик. Бу энди ўқувчига ҳавола. Келинг, ким қандай жанр қўйиб ўқиса, ўқий қолсин.

— Ушбу асарнинг бадиий тарафи қандай? — деб сўраган эди китобни ўқиб чиққан бир киши.

Биродари азиз, уқубатли кунларнинг баднияти эмас, машаққати бўлади. Уқубатли кунлар бўяшга, гўзал тасвирларга, ўхшатишларга муҳтож эмас. Уларнинг бадиийлиги — ҳаққонийлигида! Ҳақ гапни эса ким қачонки бўямоқчи бўлса, у худди саратонда ёққан қорга ўхшаб қолади.

Шукрулло домла ана шу ҳақиқатни илк марта бўямасдан, бор бўйи-басти, қаҳри, адолатсизлиги билан биринчи бўлиб ёзди. Ёзганда ҳам шунчаки эмас, қалб амри билан ёзди. Ўз инсонлик қадрига, наинки ўзи, халқининг қадрига, қимматига йиғлаб ёзди.

«Кафансиз кўмилганлар» китобининг сўнгги бетини ўқиб чиқдиму чуқур хаёлга толиб, ўйланиб қолдим. «Инсоннинг боши —тегирмоннинг тоши» деб тўғри айтишар экан. Ўша тобда М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикоясидаги Соколов, А. Дюманинг «Граф Монте-Кристо» асаридаги Эдмон Дантес образлари гавдаланди. Улар ҳам ҳаётлари қил устида турганда ҳаётдан умидларини узмай яшашганди... Шундай ажойиб китоб ёзганингиз учун катта раҳмат. Китобни ҳақиқатдан ҳам қалб қўри билан ёзибсиз...

Ҳурмат билан
Турғун ЖУРАЕВ».

«Кафансиз кўмилганлар» чиндан ҳам қалб қўри билан ёзилганми? Бу асар, бизнингча, жасорат билан ёзилган. Чунки ўтган гирдобларни яна бир бор эслаш, Колимадаги қаҳратон лагерларга яна хаёлан қайтиб бориш учун ҳадсиз жасорат керак.

Узоқ йиллар мобайнида қатағон ҳақида умуман ҳеч нарса билмай келдик. Узоқ Волга бўйидаги очарчилик, қаҳатчилик ҳақида қанча керак бўлса шунча материал бисёр. Худди Ўзбекистонда, Марказий Осиёда қатағон бўлмагандек. Фақат 1956-57 йилларда «Чўлпон ва Фитрат оқланибди»... Абдулла Қодирийнинг номи тикланибди» деган гап-сўзларни эшитдик. Лекин уларнинг гуноҳи нима эди, нега оқланибди, нега номи тикланибди деган саволларга ҳеч ким жавоб беролмас эди. Бугунга келиб, халқимизнинг салкам чорак асрлик уқубатлари китоби варақланиб, билсак, қатағон қурбонларининг гуноҳи — бегуноҳлигида экан. Усмон Носирнинг, Чўлпоннинг, Сулаймон Хўжаевнинг, Абдурауф Фитратнинг, шунга ўхшаш минглаб оташқалбларнинг — бир авлоднинг фожиали ҳаётини ҳали ҳам тўлиқ билмаймиз. Улар ҳаёт бўлганларида балки «Кафансиз кўмилганлар» сингари ҳаққоний асарлар ёзишармиди? Шундай асарларнинг камлиги туфайли ҳам ҳозирги авлодимиз учун уруш даҳшатлари, қатағон даҳшатлари худди эртакдек туюлмоқда.

Шукрулло аканинг асари айнан шу жасоратнинг меваси бўлгани учун ҳам қадрлидир. У тарихимизнинг маълум бир нуқталари тўғрисидаги ҳақиқатларни кўзимиз олдида намоён қилди.

«...Бугун «Кафансиз кўмилганлар»ни ўқиб чиқдим. Газеталарда парчалар ўқигандим, юрагим, дардларим вужудимни тирнаб яна ўқидим. Изтиробларим сизга шерик бўлди, устоз. Тоғмидингиз, шунча оғриқни, шунча қароликларни кўтарибсиз! Негадир сувратингиз ҳам кўзимга дардини сўйлаётганга ўхшаб кўринди. Юзингиз изтиробли, қайғули тупроқ рангига ўхшаб кетди. Қаноат дегани сизнинг болангизмиди? Ирода, сабр деганлари болангизмиди?»...

Замира РУЗИЕВА».

Юқорида қатағон Марказий Осиёда бўлмагандек эди, деб рақам қилгандик. Бир қараганда шундай. Балки бунга сабаб Анатолий Солженицриннинг «Гулаг архипелаги», «Қамоқлар салтанати» романларининг аввалроқ яратилганидир. Балки ёзувчиларимиз орасида журъат билан бор ҳақиқатни айтишга юраги доя берадиганлари топилмаганидадир. «Кафансиз кўмилганлар» ана шу балкиларга чек қўяди.

«Кафансиз кўмилганлар» қаноат, сабр-бардош, ирода, минг бир балодан ғолиб чиққан умид ҳақидаги тенгсиз асар дегим келади.

«Кафансиз кўмилганлар»ни биз тарихчи талабалар ўрганишлари шарт бўлган илмий адабиётлар рўйхатига киритдик. У биз учун тарихий манба бўлиб ҳисоблананди. Китобдан анчагинасини сотиб олиб «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедраси жавонларига қўйдик.

М. ОЛТИНОВ».

Ҳар бир кун тарихдир. Ҳар бир дақиқа тарихдир. «Кафансиз кўмилганлар» асарида қаламга олинган давр эса тарихимизнинг энг қора саҳифаларидан десам, муштарийларимиз фикримга қўшилсалар керак. Оқми, қорами тарихдан воз кечиб бўлмайди. Бизнинг вазифамиз эса тарихимизнинг барча нуқталарини сатрма-сатр яратишдан, ўқишдан иборат.

Шукрулло домланинг китоби ўзи бошидан кечирган қора кунлар тарихи эмас. У юртимиз, бошига тушган қора кунлар, истиқлол шабадалари парчалаб юборган қора булутларнинг мунгномасидир.

Китобни ўқиб туриб истиқлолимиз йўллари қанчалар оғир кечганини тасаввур қиламиз. Шу йўлда ҳалок бўлганлар хотираси қанчалар муқаддас эканини юракдан ҳис этамиз. Яна оталаримиз олдида қанчалар бурчли эканлигимизни юрак-юракдан эътироф этамиз.

Китобнинг Навоий номли Давлат мукофотига тақдим этилиши адибимиз Шукрулло домлага эҳтиромимиз, иститъдоди, мардлигига эътирофимиз, минглаб қатағон қурбонлари хотирасига изат-икромимиздир.

«...Мен «Кафансиз кўмилганлар» номли хотира-романингизда таърифланган қаҳрамонлардан бириман. Менинг ҳаётим сиз бўлган Красноярск-нинг Норильск шаҳрини қурган маҳбуслар билан бир бўлган. Менинг тақдирим ҳам худди сизникиқаби бўлган.

Айниқса, романнинг «Тириклар қабристони» номли бобида мен кўрган-кечирган кунлар тўлиқ ёритилган».

Султонмурод ЁҚУБОВ.

Қатағонни унутишга ҳақкимиз йўқ. Уни унутмаслигимиз учун эса «Кафансиз кўмилганлар» сингари ҳақиқат битилган китобларни кўпроқ ёзишимиз, ўқишимиз, ҳамиша ёдда тутишимиз керак бўлади. Тинимсиз яхшилик, эзгулик яратишимиз, уни қўйлашимиз лозим бўлади. Шундагина аждодлар руҳи ҳамиша биздан рози бўлади!

Темур УБАЙДУЛЛО.

** Улуғбек осмони*

ВАШИНГТОН ГАЛЕРЕЯСИДА ОЛИМ СИЙМОСИ



1969 йили Самарқандда ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан «Темурийлар даври санъати» деган мавзуда халқаро симпозиум ўтказилган эди. Гарчи расмий доиралар, биринчи галда москвалик корчалонлар бу тадбирга унча рўйхуш беришмаган бўлса-да, лекин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, қолаверса унинг фанмаданият ва маориф бўлинмаси темурийзодалар замонаси маданиятини махсус ўрганаётгани учун мазкур йиғинга дунёнинг етти иқлимидан тадқиқотчилар келишди. Камина «Совет Ўзбекистони» газетасининг махсус мухбири сифатида самарқандлик ҳамкасбим Латиф ака Эргашев билан ушбу анжуманни ёритишда қатнашганман. Дастлабки икки кун ялпи мажлислар бўлди, сўнгра эса секцияларда баҳслар, тортишувлар давом этди. Маърузаларни, нутқларни диққат билан тинглаб, мунозараларни эшитиб таассуф билан шуни тан олишга тўғри келдики, бизнинг баъзи олимларимиз залда ўтиришга юраклари бетламай, коридорларда папирос чекиб юришди. Лекин 4 нафар азамат олимимиз бор экан: булар Фанлар академиясининг ўша вақтдаги вице-президенти Иброҳим Мўминов, қўлёзмалар институтининг директори Ҳамид Сулаймонов, санъатшунослик фанлари докторлари Галина Анатольевна Пугаченкова ва Лазар Израэльэвич Ремпель.

Иброҳим Мўминов шарқона бир донишмандлик ва вазминлик билан Амир Темурнинг тарихимизда тутган ўрни ва мавқеи хусусида гапирди. Профессор Ҳамид Сулаймонов китобат санъати ҳақида баҳс юритди. Мунозарага кўп аралашганлардан бири профессор Галина Анатольевна Пугаченкова бўлди. У аввало темурийлар даври архитектураси ҳақида маъруза қилди. Сўнгра эса ўша давр санъати— меъморчилик, хаттотлик, миниатюра хусусида тез-тез сўзга чиқиб турди. Пухта илмий далиллар, тарихнинг қаърига терап кириб бориш, санъатнинг барча турларини пухта билиш, айни вақтда ҳамкасбларнинг фикрига ҳурмат ва эҳтиром— буларнинг ҳаммаси ана шу чиройли ва билимдон аёлнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Ўшандаёқ у кўҳна шарқ маданиятининг тадқиқотчилари қаторидан жой олганини илмий жамоатчилик таъкидлаган эди...

Мана, ўшандан бери орадан 25 йил ўтди. Эндиликда Галина Анатольевна Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, санъатшуносликда мактаб яратган олима бўлиб етишди. Унинг монографиялари ва мақолаларида, халқаро симпозиумларда қилган маърузаларида Марказий Осиёнинг жуда қадим замонлардан бошлаб эрамизнинг XVII асригача бўлган тарихи тадқиқ этилган. Олима, унинг ҳамкасблари ва шогирдлари ёзган асарларни қадимий санъатимизнинг қомуси деб атасак янглишмаймиз.

Академик илмий фаолиятининг эллик йиллиги муносабати билан биз шу ижод булоғидан фақат бир пиёла тиниқ сув олмоқчимиз, яъни Галина Анатольевнанинг бир илмий кашфиёти ҳақида икки оғиз тўхтаб ўтмоқчимиз: 60—70 йилларда анчагина олимлар, айниқса, ленинградлик шарқшунос Александр Иванов Мовараннаҳрда миниатюра санъати бўлмаган, деган фикрда эдилар. Галина Анатольевна қадимий китоблар ва миниатюра намуналарини ўрганиб, XIV-XV асрларда Бухорода, айниқса Самарқандда миниатюра санъати мактаби таркиб топганлиги ва унинг машҳур намояндалари бўлганини исботлади. Хўш, бунда тадқиқотчи қандай далилларга суянди? Аввало, миниатюраларда муаллифнинг номи ёзилганига таянди, қоларверса либосларни тадқиқ этиб, она табиатимиз манзаралари тасвирини чуқур ўрганиб, мазкур миниатюраларни Исломгача бўлган давр санъати намуналари билан таққослади. Шунингдек Ҳирот, Табриз, Шероз миниатюра мактабларида яратилган деб фараз қилинаётган асарларнинг ўрта осиёлик ижодкорлар томонидан чизилганини исботлаб берди. Ўша кўҳна асрларда она Туркистонда миниатюра мактаби тараққий этганлигини кўрсатди. Бу алломанинг фанимиз олдидаги катта хизматидир.

Тарағай, Улуғбек сиймоси туширилган миниатюрага қаратмоқчимиз. Улуғ султон ва мунажжим кўшкда, туркман гиламида ўтирибди. Унинг чап томонида сарой аъёнлари, салтанатнинг аркони — давлати. Қуйироқда сарой хоҳмлари, яна пастроқда эса унинг ўғиллари Абдуллатиф ва Абдулазиз.

Ушбу миниатюра жаноби Фриснинг Вашингтондаги санъат галереясида сақланмоқда. Кўшк пештоқига «Буюк султон Улуғбек кўрагон, унинг салтанатига тангритаолонинг марҳамати ёғилиб тураверсин» деган сўзлар ёзилган.

Академик Г. А. Пугаченкованинг фикрича, миниатюра Улуғбек даврида, тахминан XV асрнинг 40-йилларида Самарқандда маҳаллий миниатюра мактабига мансуб бўлган мусаввир томонидан чизилган. Олиманинг уқтиришича ва сурат чап томонидаги шеърий мисралардан аён бўлиб турганидек, ушбу жажжи сурат кўҳна бир баёз учун ишланган бўлса керак.

Бутун эл-юрт Мирзо Улуғбек юбилейига тайёргарлик кўраётган шу кезларда қадимий Туркистон кўҳна маданиятини ўрганишга бебаҳо ҳисса қўшган ушбу суратни ҳам Вашингтон галереясидан қидириб топиб ўзининг бир илмий ишида эълон қилган муҳтарама тадқиқотчимиз Галина Анатольевна Пугаченкованинг илм йўлида чеккан заҳмати ва маданиятимиз дурдоналарини топиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига тасанно айтиб, ушбу миниатюрани ўқувчилар ҳукмига ҳавола этдик.

Абдулла АБДУҚОДИРОВ.

А. Абальян сурати.

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

Олимлар борлиқни ташкил қилган ҳамма моддаларни икки турга — электр ўтказувчи моддаларга (ўтказгичларга) ва электр ўтказмовчи, унга қаршилик кўрсатувчи моддаларга (изоляторларга) бўлганлар. Олтин, кумуш, мис, алюминий ва шу сингари бошқа металлар электрни жуда яхши ўтказади. Ҳаво, слюда, чинни, шиша, парафин ва бошқалар эса электрни ўтказмайди деса бўлади. Улар энг яхши изоляторлар ҳисобланади.

Бироқ табиатда шундай моддалар ҳам кўпки, улар электр токини яхши ўтказмайди. Шу билан бирга яхши изоляторлик хизматини ҳам бажара олмайди. Ярим ўтказгичлар деб ана шундай моддаларга айтилади. Уларнинг кўпчилиги кристаллсимон тузилган бўлади.

1833 йили инглиз олими Фарадей кумуш сульфид деган моддани қизиганида электр токини яхши ўтказишини аниқлаганидан кейингина табиатда ярим ўтказгич моддалар бор эканлиги маълум бўлди.

* * *

1865 йили Брюнн табиатшунослик жамиятининг асарларида маҳаллий Ав-густ монастирининг попи Грегор Менделнинг «Ўсимлик дурагайлари билан қилинган тажрибалар» деган мақоласи босилиб чиқди. Унда қонунлар дастлабки наслда доминант белгининг устунлик қилиши, белгиларнинг иккинчи наслда ажралиши, аслида ирсиятни бошқарадиган, кейинчалик генлар деб аталган дискерт бирликлар очилди.

1868 йилда Фридрих Мишер Германияда йирингли ҳужайралардан нуклеин кислоталарни ажратиб олди ва унинг кислоталик хоссаларини аниқлади. Уларда углерод, водород ва кислороддан ташқари азот ва фосфор ҳам бор эди.

XX асрнинг 20-йилларида олим М. Левин АҚШда нуклеин кислоталарнинг икки хилини — ДНК ва РНКни узилкесил аниқлади.

1944 йилда америкалик олим О. Эвери белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши фақат ДНК орқали рўй беришини исботлади.

Воҳид ВАЛИЕВ тайёрлаган.

** Сиҳат-саломатлик*

БУ ИЛЛАТДАН ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИН

Германияда яшовчи бу аёл ичкиликнинг домидан узоқ Қирғизистонда халос бўламан, деб сира ўйламаган эди. Айнан Бишкекда шифокор Ж. Назаралиев унга ҳушёр турмуш тарзи қувончларини қайтарганлиги ҳақидаги собиқ ичкиликбоз хонимнинг мақолалари немис ва рус газеталари саҳифаларида эълон қилинди.

Ж. Назаралиев Тошкентга келиш арафасида муштарийларимизга у ҳақда маълумот беришга қарор қилдик.

— Женишбек, даволаш усулингиз шу қадар яхши самара беришига ишонса бўладими? Ахир ичкиликка ружу қўйган 100 беморданг 91 нафари уч ёки кўпи билан беш марта муолажа олгач, иллатдан халос бўлаётган экан. Гиёвандлик домига тушиб қолган 100 кишидан 86 нафари 20—25 марта даволангандан кейин камида уч йилгача наркотик моддалардан воз кечаяпти. Бундай натижаларга эришаётганингизнинг сабаби нимада?

— Менинг усулим ақл-заковатни ишга солиб, инсон руҳиятига самарали таъсир этишга асосланган. Шунга кўра кўп йиллик тажриба ва илмий изланишларим давомида кўплаб кишилар алкоголизм ва гиёвандликнинг хавфли чангалидан халос бўлишди.

Менга мурожаат қилган касалларни чидам билан даволашга киришаман. Уларнинг ёши, касби, қанча вақтдан бери ичкиликбозлик ва гиёвандлик таъсирига тушиб қолганларини эътиборга олиб, руҳий муолажалар ўтказамиз ҳамда турли дори-дармонлар ёрдамида организмни мустаҳкамлаймиз. Даволаш босқичларида касалларимиз ичкиликбозлик ва гиёвандлик иллати тақдирга битилган тамға эмас, балки миллионлаб инсонлар ҳаётига раҳна солган, кишини ҳалокат ёқасига олиб борувчи, шу билан бирга даволаш мумкин бўлган хасталик эканлигини тушуниб етмоқдалар. Шу боис ҳам улар бундай зарарли одатдан воз кечишга ҳаракат қилишаяпти. Бу эса муолажаларда яхши самара бермоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, беморларга керакли дори-дармонларни қўллаб, алкоголь ва наркотик моддалар зарар етказган саломатликларини мустаҳкамлаймиз. Ҳал қилувчи муолажа пайтида эса бемор менинг ёрдамимда бор ақл-заковати ва хоҳиш-иродаси билан кўрсатмаларимни бажаришга киришади: ичкилик ичмаслик, наркотик моддалардан яқин 3 йил давомида воз кечишга сўз беради. Шу тариқа хушёр турмуш тарзи «дастури» ақл ҳужайраларида ўз ўрнини топа бошлайди, ижодий имкониятларга йўл очади.

— Нега айнан 3 йил?

— Бу касалларнинг ўз саломатликларини тиклаб олишлари учун ҳам, ичкиликбозлик ва гиёвандлик маҳрум қилган барча ҳаёт қувончларини қайтаришлари учун ҳам зарур муддатдир.

Шифокор Назаралиевнинг усули қатор мамлакатларда маълум. Хусусан, Россия, Қозоғистон, Литва, Германия ва бошқа жойларда даволаш муолажалари кўплаб кишиларга одатдаги ҳаётга қайтишларига ёрдам берди. Масалан, Литвадаги «Мелисана» фирмаси айни пайтда шифокор Назаралиевда даволанишни хоҳловчилар гуруҳини жамламоқда. Женишбек ўнлаб даволаш муолажалари ўтказган Германияда эса яқин келажакда 15 га яқин бўлимлар очилади. Бундай бўлимларни Европанинг бошқа давлатларида ҳам ташкил этиш режалаштирилмоқда.

— Мен Ўзбекистон аҳолисини ҳам бажонидил даволамоқчиман, —дейди Ж. Назаралиев. — Тўғри, ҳозирча бу ерда менинг даволаш усулим маълум эмас. Аммо биламанки, ичкиликбозлик ва гиёвандликдан халос бўлишни истаган кишилар топилади. Шунинг учун даволанишни истаганларни Бишкекда қабул қилишга тайёрман. Бу ерда биз касаллар учун хоналари икки кишига мўлжалланган санаторийни ижарага олганмиз. Фақат олдиндан ҳар куни 243331 ва 461759, соат 17.00 дан кейин эса 415611 телефонлари орқали сим қоқиб хабар берилса бас. Келажакда мен Тошкентда даволаш муолажалари ўтказиш ниятим бор. Визга мурожаат қилаётганларга яна бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман, даволанишни истаган кишилар оғир аҳволда бўлсалар туғишганлари ёки яқин кишилари билан бирга қўйиладилар.

Ж. Назаралиев келгуси режалари ҳақида гапирар экан, бир марта кўнгли бўшлик қилиб гиёвандлик домига кирган, ўн йиллар давомида ўз турмушини қувончлардан маҳрум қилган, яқинлари ва ёру биродарларига кўплаб ташвишлар келтирган ҳар бир кишининг ҳаётини тиклаш мақсадида тинмай изланиб, усулини такомиллаштириб боришини уқтирди.

Сора БАҲРИЕВА.

Одобнома

** Ҳикмат—бир ҳовуч олтин*

БЕРУНИЙ САБОҚЛАРИ

● Билимсиз кишиларнинг кўпчилиги ҳурофотга мойил бўлади.

● Асоси бўлмаган фандан воз кечилса ҳам бўлади.

● Яхши билмаган нарсасига уринган киши шарманда бўлади.

● Хато содир бўлмаслик учун донишмандлар қайта-қайта кузатишни ва халал етиш имкониятидан сақланишни тавсия қилганлар.

● Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқ кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бормайди.

● Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўла туриб, ишламай қувадаги асални бекорга еб ётганларини ўлдириб ташлайди.

● Неъматнинг қадри у йўқолгандан кейингина билинади.

● Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтиросларг, ғам-ғусса бўлмайди.

● Доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади.

● Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар.

● Эҳсон қилувчининг миннати қилган эҳсонини йўққа чиқаради.

● Мен фан соҳасида керак бўлган ҳамма ишларни диққат билан бажардим, яъни ўтмишдошларим қилган ишлар натижасидан фойдаландим, уларда бўлган хатоларни тузатишга журъат этдим, қўлга киритган натижаларни келгуси авлодга мумкин қадар ёзиб қолдиришга уриндим.

● Илм-фан тараққиёти ҳақида ғамхўрлик қилиш, аввало кишилар устидан ҳукм юритадиган шахсларнинг бурчидир.

Тўпловчи:
Фахриддин НУРИДДИНОВ,
меҳнат фахрийси.

** Инсонийлик фазилатлари*

«ҚАЛБИНГНИ АЛАРГА ОШИЁН ҚИЛ»

АХЛОҚ, одоб ва ҳурмат масаласи давлат аҳамиятига молик бўлган ижтимоий масаладир. Хусусан, одоб ва ҳурмат ахлоқнинг муҳим таркибий томонларидандир.

Ҳар қандай ахлоқ, одоб ва ҳурматнинг асоси эса халқ ҳаёти ва муайян ижтимоий тузумдир. Умуман ахлоқий муносабатлар, жумладан, одоб ва ҳурмат уч асосий омил — ижтимоий тузум, ирсият ва тарбия орқали шаклланади, амалга ошади ва ривожланади. Одоб, хулқ ва ҳурмат ҳақидаги мулоҳазалар, агар булардан бирортаси назардан четда қолдирилса, турли янглишишлар ёки хатоликка олиб келиши мумкин.

Одоблилик, самимийлик, меҳр-шафқатлилик, хулқий гўзаллик бебаҳо фазилатлардан бўлиб, ҳурмат, гўзаллик эса умуман инсон гўзаллигининг таркибий томонларидан, яъни инсон гўзаллик дафтарининг салмоқли бобларидандир. Раҳматли шоир Собир Абдулла ўзининг «Ёшларга мухаммас» номли шеърида инсоннинг хулқий гўзаллигини улуғлаб, ёшларни ўз қалбини инсоний ҳуснга ошиён этишга ундайди.

Одоб — кишн ҳусни,
обрў ҳам
Ахлоқ ила бўл ҳамиша
маҳрам,
Номус ила орни ушла
маҳкам,
Виждон сабаби азиздир
одам,
Қалбингни аларга ошиён
қил.

Хўш, инсон гўзаллигини нималар белгилайди? Бизнингча инсон гўзаллигини унинг халқпарварлиги ва меҳнатсеварлиги, урф-одатни бажариш, маданиятли бўлиш, ориятли ва сабрли бўлиш белгилайди. Инсон гўзаллиги болаликдан бошланмоғи ва унинг онгига нима яхши, нима ёмон, нима мумкин ва нима мумкин эмас каби зарур қонун—инсонийлик сингдириб борилиши зарур.

Ҳозир ҳаммамизга маълумки, тарбия сусайиб кетди. Мактаблардаги тарбия кўпчиликни қониқтирмаяпти. Мактабдан безор, меҳрсиз, қалби тош бўлиб ўсаётган ўқувчилар йўқми? Бундай фарзандлардан келажакда қандай наф кўришимиз мумкин?! Бундай фарзандларни сабр-бардош билан ёшликдан тарбиялаш, уларга ахлоқ-одобга доир рисолалардан мактабда, уйда сабоқ бериб боришимиз лозим. Кўп йиллар биз Европа маданиятига тақлид қилиб келдик. Европа санъати, адабиёти ва ахлоқ мактаблари биз учун «зарур» дастур деб топилди. Натижада ўз тилимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимиз унутилишгача борди. Биз ўзимиз тўғримизда ўйлаш ўрнига бошқалар маданиятини тарғиб қилиб келдик. Шунинг учун ҳам ёш авлод тарбияси, унинг билим олиш савияси, дунёқараши, қобилияти ҳақида қайғурмадик. Ўз маданиятимизни жўшиб тарғиб этсак дарров миллатчиликда айбланар эдик. Шу сабаб ҳам балки Европа маданиятини шакллантиришга, унга тақлид қилишга одатланиб қолдик. Шунинг учун ҳам ўз маданиятимизни ҳозирги даврда кўпроқ ўрганишимиз ва ёшларга уларни ўргатиб боришимиз зарур. Ёш авлод тарбияси, унинг билим олиши, дунёқараши кабилар ҳақида қайғуришимиз лозим. Ёшларга зарур мактаб қуроллари, уларни ишга жалб қилиш усулларидан етарлича фойдаланишимиз даркор. Натижада ҳамма соҳадагидек ёшлар тарбиясида ҳам оқсаш, маънавий онгсизлик, ўқувсизлик, безорилик, меҳр-оқибатсизлик кенг илдиз отиб кетганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Кеч бўлса-да, буни англаб етдик.

Доно халқимизда «Бола бошидан» деган мақол бор. Ҳар бир бола ўз келажаги учун ёшликдан тайёргарлик кўриб бориши керак. Фарзанд тарбиясига ота-оналар аввало бола дунёга кўз очган кунданоқ эътибор беришлари лозим. Қолаверса, ёшлар тарбияси билан жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси шуғулланиши шарт. Ёшлар эса ўз навбатида ёшлик даврини ғанимат билиб, илм олишга, яхши касб эгаси бўлишга ҳаракат қилмоқликлари керак. Чунки келажак ёшларникидир.

Ота-она фарзандига руҳий озуқа бериши, жисмонан бақувват тарбиялаш, истеъдодларини камолга етказувчи, орзу-ниятларини амалга оширишга кўмаклашуви, улардаги салбий одатларни йўқотишга уриниши лозим. Ёшлар эса ўз навбатида яқин-ёироқ, қариндош-уруғга, ёру қўстга меҳрибон, раҳмли-шафқатли, инсонпарвар бўлиб камол топмоғи зарур.

Ҳар бир инсон ҳаётда обрў-эътиборли киши бўлиб етишиши, ўз ўрнини топиши учун ёшлигидан ростгўй, ўзига нисбатан талабчан, ҳар бир ишга ижодий ёндошадиган бўлиши керак. Ўзидан каттани ҳурмат қилишга, кичикларни иззат қилишга ўрганиши керак. Улар камтарлик, инсоф, адолат каби фазилатларни онгли равишда ўзларида тарбиялашлари лозим.

Ҳозирги даврга келиб, исроф нима, увол нима фарқига борилмай қўйилди. Ҳақиқатда «ундай қилишимиз керак, бундай қилишимиз керак» деяпмиз. Энди шу ерда бир нарсани таъкидламоғимиз керакки: айтайлик болалар жуда тақлидчан. Унинг учун биз катталар аввалам-бор ўзимиз ибрат бўлишимиз керак. Ана шундагина улар бизнинг сўзимизга амал қиладиган бўладилар. «Чунки, ота-онамиз шундай қиладиларку биз ҳам уларга ўхшайлик» деган хулосага боради. Сабаби «қуш уясида кўрганини қилади» дейдилар. Агар эр-хотин бир-бирларига яхши муомалада бўлсалар катталарга ҳурматда, кичикларга - иззатда бўлсалар, фарзанддан ҳам айнан шундай марҳамат кўрадилар. Мабодо бунинг акси бўлса, ота-она ўртасида тотувлик бўлмаса, хонадонда яхши фарзанд камолга етади деб кафолат бериб бўлмайди. Агар фарзандларимиз яхши инсонлар бўлиб вояга етсалар улардан барча ибрат олиши тайин.

Одам фарзанди уйида, жамоат жойларида ота-онаси ким эканлигини дарров намоён қилиб қўяди. Болага қараб туриб ота-онага баҳо бериш мумкин. Демак яхши ота-она яхши мураббий ҳам бўлмоғи керак.

Мулойимлик ҳар бир нарсага зийнат беради. Мана шу нарсага амал қилмоқ ва фарзандларига ўргатмоқ зарур. Келинг, муҳтарам муштарийлар, кўпроқ қадриятларимиз, имонимизни равшанлантириб, фарзандларимизни диёнатли қилиб тарбиялайлик. Уларга ўзимиз намуна, ўрнак бўлайлик.

Азиза ЗАЙНУТДИНОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

** Оила—қадриятлар маскани*

ОТАНИ ТАРБИЯЛАГАН ЎҒИЛ

Қадим тарихимизда исмлари олтин ҳарфлар билан ёзилган ақл-заковат алплари ал-Форобий, Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино ва Улуғбеклар кейинги авлодларга инсонга хос ажойиб сифатларнинг мангу ўчмас намуналарини ёзиб қолдиришган. Вавилонликлар боласини мактабга отлантираётиб шундай дейишар экан: «Мен оғир ишнинг азобини кўп кўрдим, сен қалбингни ҳарф сирини ўқишга сарфла. Ҳарфдан ардоқли, қимматли ҳеч нима йўқ. Одам сувга қандай шўнғийдиган бўлса сен Миср адабиётининг чуқурлигига шундай шўнғигайсан... Ҳеч бир кимса олимга «анаву жанобнинг ерини ҳайда» деб айтолмайди, олимлар уйида ўтказган бир кунинг, ундан ташқари ердаги мангуликдан ортиқ, хуллас бу иш тоғ қазигандай қийин...».

Ҳа, шундай. Қадимдан таълим-тарбия, ўқиш-ёзишнинг жамиятдаги ўрнига унинг илмда биздан кўп олдин кетганини сезиб, қувониб, хурсанд бўлардик. Ўзгаларнинг камчилигини кўриб, камситишни ёмон кўрарди. Шартта юзига айтиб қўяқоларди. Кўпни кўрган, фикр доираси кенг, салоҳиятли кишилар билан ҳам тез тил топиша оларди.

Мактабда, ундан кейин педагогика билим юрти, сўнг олийгоҳда ўтказган йилларида ҳаётдан, кўрганидан, ўқиганидан, яхшидан ўрганиб, ёмондан ҳазар қилиб ўсгани туфайли ўттизга тўлар-тўлмас фан номзоди, кафедрага раҳбарлик қилиши, қирқ бешда фан доктори деган юксак унвонни олиши унинг энг аввало ўзига юксак талаб қўйиб, ўз-ўзини тарбиялашнинг намунаси бўлса керак. У бугунги кунда ақли тўлишиб, ўсиш, улғайиш жараёнини бошидан кечираётган институтда бўлим мудири, обрў-эътиборли инсондир.

Одатда кўпдан бери кўрган эътибор беришган. Шунинг учун ҳам биз ҳар биримиз қадим авлод-аждодларимиздан ўқиб-ўрганишимиз, изланишимиз, ҳалол меҳнат қилишни олий мақсад деб билишимиз керак.

Абдулла ана шундай ўқиб-ўрганган, ҳалол меҳнати, изланиши билан юртда обрў-эътибор қозонган кишилардан биридир. Дўстимнинг талабалик давридаги ўзини ўзи бошқара билиши, улғайиш йўлига назар ташлаб, унда одамгарчилик сифатининг эрта мужассам топганига ишонч ҳосил қилдим. У кўп ўқиб, кўп изланар эди. Бирга ўқиб, бирга ётиб турсак ҳам, курсдан курсга ўтганда маган яқин одамингни учратганингда суҳбатлашгинг келади, суҳбатдошнинг ҳол-аҳволини, дунёқарашини билишга қизиқасан. Чунки фикри тиниқ, ақл-ҳушли киши билан суҳбатлашсанг, ўй-фикринг равшанлашиб, дунёқарашинг кенгаяди. Афсуски, ўз-ўзини тарбиялай билмайдиган, ақли калта, ўзгаларни камситиб, устидан куладиган, ўз жамоасини менсимайдиган, ўринсиз сўзлайдиган, тирноқ остидан кир қидирадиган ёшлар ҳам йўқ эмас.

Ҳақиқий маданиятли, ақлфаросатли одам ўз-ўзини тарбиялай олиши билан бошқага ҳам ибрат бўла олади. Бундайларга мисол кўп.

Сафар — жияним Зафарнинг тўртинчи ўғли. Йигитлик бурчини ўтаб, уйланган. Ҳозир заводда илғор ишчилардан бири. Ёшлигида дадасидаги салбий таъсирлардан ижирғаниб, чекмасликка, ичмасликка ўрганган.

— Мени болам тарбиялади, — дейди Зафар жияним баракасиз ўтган кунларни эслаб. — Бир куни, яъни хизмат бурчини ўтаб келгандан бир ой ўтгач шундай деди, «Ада, уялмайсизми, қачонгача ичиб келиб, уйнинг баракасини кетказасиз. Мен ўртоқларимдан уяламан. Энди шундай қилсангиз, уйдан кетаман». Энди болалар улғайгандан кейин ҳар бир қадамни ўйлаб босиш керак экан. Болам ақлсиз эмас. Ўзини ўзи бошқарадиган бўлиб етишди. Қадимгиларнинг сўзи рост экан: «Яхшилар билан юрсанг етасан муродга, ёмонлар билан юрсанг қоласан уятга». Яхшилар билан юрди, ёмон бўлмади. Энг муҳими, оила соғлом муҳитга қайтди.

Ҳа, мустақил республикамизнинг пойдеворини қуриб, уни мустаҳкамлаш ёшларимиз қўлида экан, уларни қаерда бўлмасин, ўз-ўзини тарбиялашда намуна кўрсатишлари уларнинг виждоний бурчидир.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

** Миллий удумларимиз*

ТАБАРРУК КАЛОМ

Шоирларимиз, доноларимиз саломлашиш, кўришиш ва унинг рамзи ҳақида кўп ёзишган. Албатта бунинг тарихи узоқ ва ранг-баранг, маъно-мазмуни ниҳоятда кенг.

Бу одатлар қайси халқда, қайси тилда ва қандай шаклда кўринишидан қатъи назар, аввало ҳар бир инсонга ҳурмат, меҳр-муҳаббат, эҳтиром белгисидир. Тарихчиларимизнинг ёзишларича, мусулмон оламида ўнг қўл ҳалол, покиза ишларни бажариш рамзи бўлгани учун ўнг қўл билан сўрашиш одат тусига кирган. Шунинг учун ҳам чой, озиқ-овқат маҳсулотларини узатиш, ейиш, ҳайрли ишлар ҳозиргача ўнг қўл билан бажарилади. Қоида шуки, кичиклар каттаcame эзтибор беришган. Шунинг учун ҳам биз ҳар биримиз қадим авлод-аждодларимиздан ўқиб-ўрганишимиз, изланишимиз, ҳалол меҳнат қилишни олий мақсад деб билишимиз керак.

Абдулла ана шундай ўқиб-ўрганган, ҳалол меҳнати, изланиши билан юртда обрў-эътибор қозонган кишилардан биридир. Дўстимнинг талабалик давридаги ўзини ўзи бошқара билиши, улғайиш йўлига назар ташлаб, унда одамгарчилик сифатининг эрта мужассам топганига ишонч ҳосил қилдим. У кўп ўқиб, кўп изланар эди. Бирга ўқиб, бирга ётиб турсак ҳам, курсдан курсга ўтганда унинг илмда биздан кўп олдин кетганини сезиб, қувониб, хурсанд бўлардик. Ўзгаларнинг камчилигини кўриб, камситишни ёмон кўрарди. Шартта юзига айтиб қўяқоларди. Кўпни кўрган, фикр доираси кенг, салоҳиятли кишилар билан ҳам тез тил топиша оларди.

Мактабда, ундан кейин педагогика билим юрти, сўнг олийгоҳда ўтказган йилларида ҳаётдан, кўрганидан, ўқиганидан, яхшидан ўрганиб, ёмондан ҳазар қилиб ўсгани туфайли ўттизга тўлар-тўлмас фан номзоди, кафедрага раҳбарлик қилиши, қирқ бешда фан доктори деган юксак унвонни олиши унинг энг аввало ўзига юксак талаб қўйиб, ўз-ўзини тарбиялашнинг намунаси бўлса керак. У бугунги кунда ақли тўлишиб, ўсиш, улғайиш жараёнини бошидан кечираётган институтда бўлим мудири, обрў-эътиборли инсондир.

Одатда кўпдан бери кўрган эътибор беришган. Шунинг учун ҳам биз ҳар биримиз қадим авлод-аждодларимиздан ўқиб-ўрганишимиз, изланишимиз, ҳалол меҳнат қилишни олий мақсад деб билишимиз керак.

Абдулла ана шундай ўқиб-ўрганган, ҳалол меҳнати, изланиши билан юртда обрў-эътибор қозонган кишилардан биридир. Дўстимнинг талабалик давридаги ўзини ўзи бошқара билиши, улғайиш йўлига назар ташлаб, унда одамгарчилик сифатининг эрта мужассам топганига ишонч ҳосил қилдим. У кўп ўқиб, кўп изланар эди. Бирга ўқиб, бирга ётиб турсак ҳам, курсдан курсга ўтганда унинг илмда биздан кўп олдин кетганини сезиб, қувониб, хурсанд бўлардик. Ўзгаларнинг камчилигини кўриб, камситишни ёмон кўрарди. Шартта юзига айтиб қўяқоларди. Кўпни кўрган, фикр доираси кенг, салоҳиятли кишилар билан ҳам тез тил топиша оларди.

Мактабда, ундан кейин педагогика билим юрти, сўнг олийгоҳда ўтказган йилларида ҳаётдан, кўрганидан, ўқиганидан, яхшидан ўрганиб, ёмондан ҳазар қилиб ўсгани туфайли ўттизга тўлар-тўлмас фан номзоди, кафедрага раҳбарлик қилиши, қирқ бешда фан доктори деган юксак унвонни олиши унинг энг аввало ўзига юксак талаб қўйиб, ўз-ўзини тарбиялашнинг намунаси бўлса керак. У бугунги кунда ақли тўлишиб, ўсиш, улғайиш жараёнини бошидан кечираётган институтда бўлим мудири, обрў-эътиборли инсондир.

Одатда кўпдан бери кўрган эътибор беришган. Шунинг учун ҳам биз ҳар биримиз қадим авлод-аждодларимиздан ўқиб-ўрганишимиз, изланишимиз, ҳалол меҳнат қилишни олий мақсад деб билишимиз керак.

Абдулла ана шундай ўқиб-ўрганган, ҳалол меҳнати, изланиши билан юртда обрў-эътибор қозонган кишилардан биридир. Дўстимнинг талабалик давридаги ўзини ўзи бошқара билиши, улғайиш йўлига назар ташлаб, унда одамгарчилик сифатининг эрта мужассам топганига ишонч ҳосил қилдим. У кўп ўқиб, кўп изланар эди. Бирга ўқиб, бирга ётиб турсак ҳам, курсдан курсга ўтганда

таталардан олдин салом беришади, лекин биринчи бўлиб қўл узатишмайди. Икки ҳолатда қўл бериб сўрашилмайди: яхши таниш бўлмаган ёки умуман бегона одам билан учрашилганда, шунингдек, доимо учрашиб турилганда. Тўй-маъракаларда одамлар тирбанд бўлиб турганда ёки дастурхон атрофида ўтиришганда ҳаммани безовта қилиб, қўлма-қўл сўрашиб чиқиш ҳам одобдан эмас. Бунинг ўрнига салом бериб, «кўрганимиз кўришганимиз, узр», деб қўйилгани маъқул. Маълумки, ҳар бир кунимиз бир-биримизга: «Ассалому алайкум!» деган табаррук каломдан бошланади. Бу — тинчлик, омонлик тилашимиз белгисидир. Шундай экан, салом бериш одоби ҳақида буюк муҳаддис Имом Исмоил Бухорийнинг «Ал-адаб ул — муфрад» («Одоб дурдоналари») китобининг 402-ҳадисида: «Қай бири салом берса, иккинчиси жавоб қайтармаса, салом берганига фаришта, салом бермаганига эса шайтон жавоб қайтаради» деб ёзилган. Ушбу ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналарида яна айтилган: «Абу Хурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллаҳу алайҳи ва саллам: «Кичик каттага, суворий пиёдага, пиёда (ўткинчи) ўлтирганга ва озчилик кўпчиликка салом бергайдир».

Яна бошқа бир ривоятда Абдуллоҳ ибн Умар айтадиларки: «Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Исломда энг яхши амал қайсидир?» деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Очларни тўйғазмоғинг, таниган ва танимаган одамга салом бермоғинг»,— деб жавоб қилдилар. Ҳадисларнинг бирида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳатто ёш болаларга ҳам биринчи бўлиб салом беришлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ота-боболаримиз кўча-кўйда, тўй-маъракаларда учрашганда «Ассалому алайкум!» сўзини сира насия қилишмаган, салом бериш ҳар бир одамга ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини бир нафас ҳам унутишмаган. Бу гўё эрталаб уйқудан турганча, юз-қўлни ювишдек қатъий қонун-қоидага айланиб кетган.

Лекин афсуски, ишга боришда ва қайтишда йўлда, маҳаллада, кўча-кўйда, трамвай, троллейбус, автобус бекатида ва метрода, хуллас, ҳар қадамда аксарият ёшларнинг тамаки тутатиб, сақич чайнаб, писта чақиб ёки бўлар-бўлмасга хиринглашиб, ҳатто ножўя сўзлар айтишиб туришгани, кетишаётганини кўрасан. Олдиларидан аёлми, эркакми, ёши улуғроқ одам ўтиб кетаётганига заррача парво қилмайдилар. На салом, на алик бор. Ҳайрон бўласан киши. Наҳотки, бир оғиз илиқ сўз айтишга ожизлик қилишади. Менимча, бу аввало ҳар бир оилада, боғча ва мактабда келажак авлодларимизга инсонийликнинг энг олий туйғуси бўлган саломлашиш, кўришиш одобининг етарли даражада ўргатилмаганлиги, онгига сингдирилмагани, қолаверса, катталарнинг бу борада ижобий намуна кўрсатмаётгани оқибати деб ўйлайман.

Аёлларнинг кўча-кўйда, айниқса, тўй-ҳашамларда кўришишларига аҳамият берсангиз, чўлпиллатиб ҳали у юзларидан, ҳали бу юзларидан, кейин қалин бўёқ суртилган лабларидан ўпишишларига қараб ҳайрон бўласиз. Аёлларга хос шарқона қучоқ очиб, елка қоқиб кўришиш қаёқда қолди? Баъзи эркаклар эса ҳатто, таъзияли жойларда ҳам ўпишиб кўришишаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Бу қайси одоб, қайси одат доирасига киради? Шу ҳақда жиддий ўйлаб кўриб, миллий урф-одатларимизга хос бамаъни хулқ-атвор соҳиби бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Искандар РАҲМОН,
уруш ва меҳнат фахрийси.

** Бирни кўриб фикр қил...*

ЎЗЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

Мен чиққан метро поезднинг ўриндиғида 18—20 ёшлар атрофидаги уч ўзбек қизлари ўтиришарди.

«Пахтакор» бекатида иккиуч нафар кекса аёллар вагонга чиқиб, тиқилинчда турганиб-суртиниб уч дугонанинг олдига бориб қолишди.

— Она қизларим, биз қарияларга жойингларни беринглар, — илтимос қилди улардан бири.

— Ман она қиз эмасман,— жеркиб ташлади қўлида қора кўзойнак ушлаб олган қиз ва шерикларининг пинжига тиқилиб олди...

Мен олти ўғил ва уч қизни тарбиялаб вояга етказдим. Фарзандларимга имкони борича миллий одобимизга хос бўлган фазилатларни сингдиришга ҳаракат қиламан. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, табиий гўзалликка не етсин! Шукурлар бўлсинки, мустақиллик туфайли ўзбек халқининг файз-фаришталари удумлари, анъаналари қайтадан тикланмоқда. Шундай экан йигит-қизларимиз жамиятимизга ёт бўлган ҳар қандай қусур ва нуқсонлардан холи камол топишларини истардим.

Эргашбой ТОШМУРОДОВ.

ВАТАН— МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида шаҳримиз туманлари мактабларида Ўзбекистон Давлат мадҳиясини ижро этиш бўйича, давлат рамзи ва' байроғи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича анъанавий кўрик-танлов бўлиб ўтди. Бу тадбир шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан уч босқичда ташкил қилиниб, мактаблар миқёсида синфлараро, туманлар миқёсида мактабларо ҳамда шаҳар миқёсида туманлараро ўтказилмоқда. Шу кунгача танловнинг дастлабки икки босқичи якунланди. Унда Собир Раҳимов туманининг 242, 249, 15, Чилонзор туманининг 182, 103, 101, Миробод туманининг 147, Ҳамза туманининг 282, 204 мактаблари фаол иштирок этиб, ўзларининг чуқур билимлари ва ўзига хос ижрочилик маҳоратлари билан ажралиб турдилар. Танлов ҳақиқий байрам тусини олиб, унда ўқувчилар билан бир қаторда мураббийлар, ота-оналар ҳам иштирок этдилар. Она-Ватанни севиш, тарихини ўрганиш мақсад қилинган бу танловнинг сўнгги учинчи босқичини шу ойнинг 22 январида ўтказиш режалаштирилди.

Назира СОДИҚОВА.



Пойтахтимиздаги 24-ўрта мактаб кутубхонаси доимо ўқувчилар билан гавжум. Болалар бу ердан ўзларини қизиқтирган барча китобларни топиб мутолаа қилишяпти.

Равиль Альбеков суратн.

** Бугунги кунда ёшларга экологик билим ва тарбия бериш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа саналади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасида экологик таълим ва тарбия тизимини ишлаб чиқиш ҳамда шу жараённи такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.*

ТАЪЛИМНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

«Ўзбекистон Республикасида экологик таълим ва тарбия тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари», «Экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияси шуғулланиши шарт. Ёшлар эса ўз навбатида ёшлик даврини ғанимат билиб, илм олишга, яхши касб эгаси бўлишга ҳаракат қилмоқликлари керак. Чунки келажак ёшларникидир.

Ота-она фарзандига руҳий озуқа бериши, жисмонан бақувват тарбиялаш, истеъдодларини камолга етказувчи, орзу-ниятларини амалга оширишга кўмаклашуви, улардаги салбий одатларни йўқотишга уриниши лозим. Ёшлар эса ўз навбатида яқин-ёироқ, қариндош-уруғга, ёру қўстга меҳрибон, раҳмли-шафқатли, инсонпарвар бўлиб камол топмоғи зарур.

Ҳар бир инсон ҳаётда обрў-эътиборли киши бўлиб етишиши, ўз ўрнини топиши учун ёшлигидан ростгўй, ўзига нисбатан талабчан, ҳар бир ишга ижодий ёндошадиган бўлиши керак. Ўзидан каттани ҳурмат қилишга, кичикларни иззат қилишга ўрганиши керак. Улар камтарлик, инсоф, адолат каби фазилатларни онгли равишда ўзларида тарбиялашлари лозим.

Ҳозирги даврга келиб, исроф нима, увол нима фарқига борилмай қўйилди. Ҳақиқатда «ундай қилишимиз керак, бундай қилишимиз керак» деяпмиз. Энди шу ерда бир нарсани таъкидламоғимиз керакки: айтайлик болалар жуда тақлидчан. Унинг учун биз катталар аввалам-бор ўзимиз ибрат бўлишимиз керак. Ана шундагина улар бизнинг сўзимизга амал қиладиган бўладилар. «Чунки, ота-онамиз шундай қиладиларку биз ҳам уларга ўхшайлик» деган хулосага боради. Сабаби «қуш уясида кўрганини қилади» дейдилар. Агар эр-хотин бир-бирларига яхши муомалада бўлсалар катталарга ҳурматда, кичикларга - иззатда бўлсалар, фарзанддан ҳам айнан шундай марҳамат кўрадилар. Мабодо бунинг акси бўлса, ота-она ўртасида тотувлик бўлмаса, хонадонда яхши фарзанд камолга етади деб кафолат бериб бўлмайди. Агар фарзандларимиз яхши инсонлар бўлиб вояга етсалар улардан барча ибрат олиши тайин.

Одам фарзанди уйида, жамоат жойларида ота-онаси ким эканлигини дарров намоён қилиб қўяди. Болага қараб туриб ота-онага баҳо бериш мумкин. Демак яхши ота-она яхши мураббий ҳам бўлмоғи керак.

Мулойимлик ҳар бир нарсага зийнат беради. Мана шу нарсага амал қилмоқ ва фарзандларига ўргатмоқ зарур. Келинг, муҳтарам муштарийлар, кўпроқ қадриятларимиз, имонимизни равшанлантириб, фарзандларимизни диёнатли қилиб тарбиялайлик. Уларга ўзимиз намуна, ўрнак бўлайлик.

Азиза ЗАЙНУТДИНОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

** Нуқтаи назар*

ОДАТГА АЙЛАНСИН

Агар янглишмасам, 1972 йили бўлса керак, Самарқандда археологлар ва этнографларнинг Бутуниттифоқ йиллик илмий сессияси ўтказилган эди. Шунда этнограф олимлардан бири таъзим билан ўнг қўлда бир пиёла чой узатишнинг ўзида меҳмондўстлик, иззат кўрсатишдан ташқари катта нафосат, эстетика мужассам эканлигини ҳаяжон билан тилга олган эди.

Яқинда Тошкентдаги Туркистон саройида «Абадий қадриятлар ва Аҳмад Яссавий» халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Гоят зебо ва мукаммаллик тимсоли бўлган мажлислар залида олимлар, уламолар, оддий мухлислар — фозиллар, фан ва дин аҳллари, назаримда, яқин орада биринчи марта биргаликда ўзларининг ягона бўлган ўтмиши ва улуғ бобокалонининг маънавият тарихидаги ўрни ва хизматларини ёдга олишга, бу хусусда фикрлашишга йиғилдилар. Илмий анжумандаги бу қадар якдиллик, қайноқ меҳр, қардошлик, яқинлик, ҳар қандай расмиятчилик пардаларининг йўқлиги тахсинга сазовор. Муҳими бу ерда ҳеч кимга таржимон керак бўлмади, мажлисдагилар ўзбек, турк, қозоқ, бошқирд олимлари, дин аҳлларининг ҳаммага тили ва руҳи билан тушунарли бўлган маърузаларини баравар қарсаклар билан олқишладилар, қандай ажойиб манзара!

Энди танаффусда анжуман иштирокчиларига буфет хизмати кўрсатиш учун қайсидир ресторандан таклиф этилганлар билан муомалалар ана шу юқоридаги кайфиятга совуқ бир томчи ташлади: аксига олиб, уларнинг ҳаммаси ўзбек тилини билмайдиган йигит-қизлар эди. Меҳмонлар эса улар тилидан бехабар, «хизматдагилар» туркий тилдан бехабар, хулласи имо-ишора, қоғозга ёзиш билан муомала қилишарди.

Шу ўринда ўзбек тилини биладиган ёки ўзбек сотувчи бўлганидами, таржимонга ҳожат йўқ, энг муҳими—мезбонлик одоби ва иқромига яна бир фазилат қўшилган бўлар эди.

Шуларни кўриб халқ қадриятларига айланиб кетган қоида-русумларини тиклашга даъватлар ва унинг амалиёти ҳар бир кишининг маънавияти, фикр тарзи, юриш-туриши халқимизнинг тарихан сайқал топган энг яхши урф-одатлари, муомала маданияти билан пайванд бўлсагина тақрори йўқ гўзал бир манзара, жозиба пайдо этишини ҳис этдик. Қуруқ, жонсиз ва совуқ, ҳар бир халқнинг жозибакор миллий қиёфасини инкор этиш билан неча миллионлаб одамларни бемиллат, қиёфасизларга айлантиргани ҳаммага яхши сабоқ. Ахир ўзбекчиликни еримиз, тилимиз, исмимиз, эътиқодимиз — урф-одатларимиз, касб-ҳунарларимиз, ҳаёт тарзимиз белгиламайдими? Энди қадриятларимиз одатларга айлансин.

Султон ХОЛНАЗАРОВ,
Қомуслар Бош таҳририяти ижтимоий фанлар таҳририяти мудири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

** Ранг-баранг олам*

МУСТАҚИЛ МИТТИЛАР

ГАП нима ҳақида бораётганини ҳали сезганингиз йўқ. Мутлақо кичкина одамлар ҳақида эмас. Гап дунёдаги митти давлатлар ҳақида боряпти.

Энг қизиғи, Овруподаги митти давлатлар ҳисобсиз жангу жадалларда қандай қилиб омон қолишгани ёлғиз тангрига аён. Балки катта давлатлар билан жанг бўлавергану миттивойлар билан бировнинг иши бўлмаган.

Ундан ҳам қизиғи, улар тўрт томондан қудратли иқтисодий, сиёсий иттифоқлар билан ўралган бўлсалар ҳам, ўзларининг пул бирликлари бўлмаса ҳам қандай тирикчилик қилишаркин?

Миттилар қайси давлатлар ўзи?

АНДОРРА — Испания ва Франциянинг чегарасида жойлашган. Яна ҳам тўғрироғи икки катта давлатнинг ўртасида бир ошам ошдек гап. Сўнгги пайтларгача икки давлатнинг протекторати сифатида бўлиб келди. Ўтган йилнинг июнь ойида Париж ва Мадрид ўзаро келишиб миттивойга «раҳм» қилишди: ҳатто аҳолиси 60 мингдан ошмаган бўлса ҳам уни мустақил давлат сифатида тан олишди. Ушбу князлик асосан чет эллик сайёҳларга кўрсатилган хизмат эвазига келаётган даромаддан «кун кўради».

САН-МАРИНО — 23 минг аҳолиси бўлган парламентар бу республика асосан эстрада қўшиқлари фестивали ўтказиладиган манзил сифатида машҳур. Уни Италия худди чирмовуқдек ўраб олган. Ўзининг махсус радиоси, телевидениеси йўқ, тамаки ва ичимлик ишлаб чиқаролмайди. Лекин Рим буларнинг эвазига ҳар йили 4,5 миллиард лира пул бериб туради. Республика ўз тангаларини зарб қилади, маркалар ҳам чиқаради. Фақат коллекционерлар учун албатта.

МОНАКО — ушбу номни ким эшитмаган. Унинг номини тилга олишингиз билан карта ўйналадиган яшил сукноли устоллар, рулеткалар, «Формула-1» автомобиль пойгалари кўз олдимизга келади. Монаконинг жуда катта бўлмаса ҳам саноати бор. Лекин барибир 25 минг аҳолини дунёнинг барча бурчагидан ташриф буюрадиган сайёҳлар «боқади».

ЛИХТЕНШТЕЙН — Швейцария ва Австриянинг ўртасида жойлашган. Бошқа митти давлатлардан фарқли ўлароқ бу ерда чет эл компаниялари сероб. 27 минг Лихтенштейн фуқароси шу компанияларнинг даромадларидан олинадиган (ҳар биридан алоҳида албатта) чегирма ҳисобига тирикчилик қилади. Ўзини ниҳоятда ҳурмат қиладиган Лихтенштейн отлик «миттивой» почта маркаларини чиқаради. Унинг биттаси буюк саркарда Суворовга бағишланганди.

Юқоридаги ҳикояларимизни ўқиб, «миттивой»ларни боқиманда экан деб ўйламанг. Ўрта денгизда МАЛЬТА деб номланган давлат бор. Бу давлатнинг экин майдонлари жуда ҳам камёбки, у ниҳоятда эҳтиёт қилинади. Иш шу даражага бориб етганки биров уй қурмоқчи бўлса, ернинг ҳосилдор қатламини уй қураётган одам ҳукумат кўрсатган ерга олиб бориб қўяди. Ҳатто бу давлатда ичимлик сув ҳам ҳисобли. Лекин Мальта Голландиядек мамлакатга янги картошка ва кўк пиёз сотади!

Энг аҳолиси кам давлат бу Ватикан саналади. Ушбу давлат Рим папас

* Спорт — * Спорт — * Спорт — * Спорт

УМРИ БОҚИЙ, НУФУЗИ БАЛАНД МУСОБАҚА

1899 йилнинг баҳорида Гарвард университетининг уч толиби — Дуайт Филли Дэвис, Холькольм Уорд ва Малькольм Уитмен биринчи маротаба теннис бўйича жамоалар ўртасида Америка чемпионати ўтказдилар. Турнир кутилганидан ҳам знёда ўтди ва унинг ташаббускорларидан бири Дэвис мусобақани халқаро миқёсда ўтказиш истаги билан ёна бошлади. Ўзида маҳоратли спортчи (у 1899 йили Америка университетлари чемпионати ғолиби бўлган) ва мақсад сари оғишмай интилишдай хислатларни жамлаган 20 ёшли талаба йигит Америка теннис ассоциацияси ёрдамида Бостондаги фирмалардан бирига вазни 217 унций (6 килограммдан ортиқроқ) бўлган кўзачага буюртма берди. Усталар кўзачага бор маҳоратларини ишга солиб сайқал бердилар: ичига олтин суви юритилган кумуш совриннинг юқори қисми айланма шаклдаги тагликка осонгина ўрнатилади, четларига эса — «Халқаро теннис турнири соврини — Дуайт Ф. Дэвис инъоми. 1900 йил» сўзлари ўйилган. Ўша даврларда кўзачанинг таннархи минг долларга тушганди, гарчи эндиликда уни тахминан 20 минг долларга баҳолашаётган бўлсада, йирик турнир соврини сифатида бебаҳодир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Дэвис Кубоги ғолибга берилмайди, соврин соҳиби унинг ёнида суратга олинади, ватанига эса кўзачанинг кичрайтирилган нусхасини олиб кетади.

Турнир Дэвисга шунчалар катта шоншуҳрат келтирдики, у ҳатто асосий касби — дипломатияда ҳам бунчалар муваффақиятга сазовор бўлолмади. Кейинчалик у «Шуниси қизиқки, мен иш бўйича учрашаётган давлат арбоблари муҳим сиёсий воқеалар хусусида баҳслашишдан кўра теннис ҳақида суҳбатлашишни ёқтирадилар», дея эътироф этганди. «Оддийгина турнир, —дея сўзини давом эттирганди Дэвис,— мени кўкларга кўтаришга қодир эканини сезганимда совринни соф олтиндан тайёрлатган бўлардим».

1900 йилнинг январида Америка теннис ассоциацияси Англияга теннис бўйича мусобақа ўтказиш таклифи битилган мактуб жўнатди. 7 март куни Буюк Британия теннис ассоциацияси Дэвис Кубогини Халқаро мусобақа сифатида тан олди. Ҳар икки томон биргаликда мусобақанинг ягона қонун-қоидаларини ишлаб чиқди.

Ана шу қоидаларда ҳалигача туб ўзгаришлар юз бермаган. Ҳар бир учрашувда икки жамоа (1900—1903 йилларда уларнинг сони ҳам атиги иккита эди — АҚШ, Англия) ўртасида 4 та якка тартибдаги ва 1 та жуфтлик учрашувлари ўтказилади. Яккама-якка баҳсларда ҳар бир жамоадан иккитадан теннисчи қатнашади, улар шериклари билан алмашган ҳолда икки кун (ҳозир уч кун) ўйнайдилар. Жуфтликлар учрашувида эса бошқа спортчиларнинг ҳам майдонга тушишига рухсат берилади. Жамоа сардорига корт ёнида турган ҳолда теннисчиларга кўрсатма бериб туришга ижозат берилган. Беш ўйиннинг аксариятида устун келган жамоа ғолиб деб топилади.

Хуллас, 1900 йили Бостонда Дэвис Кубогининг дастлабки халқаро учрашуви ўтказилди. АҚШ шарафини ўша уч толиб — Дэвис, Уитмен ва Уорд ҳимоя қилди. Рақибларини назарга илмаган англияликлар мамлакатнинг энг кучли теннисчилари ака-ука Догертиларни безовта қилишни эп кўрмай маҳоратда улардан анча орқада қолувчи Э. Д. Блэк, Г. Р. Баррет ва А. Гордан иборат жамоани майдонга чиқардилар. Англия теннис ассоциацияси ўз спортчиларининг ғалаба қозонишига беҳад ишонганди, лекин турнир 3:0 ҳисобида АҚШ фойдасига ҳал бўлди. Буюк британияликлар мусобақадан сўнг мағлубият сабабларини хас-пўшлашга уриниб —кортлар аҳволи аянчли экани, теннис тўр ва тўплари талаб даражасида бўлмаганини баҳона қилдилар, афсуски, уларнинг бахтига қарши, аввалданоқ томонлар учрашув қайси мамлакат ҳудудида ўтказилса, тартиб, қоида, шарт-шароитларни ҳам мезбон белгилайди, дея келишиб олгандилар. Айтгандай, ҳозирги пайтда ҳам мезбонлар кўпинча ўз рақиблари учун ноқулай теннис майдонларини танлаб асосий учрашувларни ана шу ерларда ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Теннис «қироллари»— англияликларнинг йирик ҳисобда мағлубиятга учраши Дэвис Кубоги нуфузини янада юқори кўтарди. Британияликлар ҳар қандай йўл билан путур етган шуҳратларини тиклашга зўр бердилар. Уларнинг асосий умидлари ака-ука Догертилар билан боғланган эди. Ҳаттоки, Догертиларнинг навбатдаги турнирда қандайдир сабабларга кўра иштирок этолмай қолгани сабабли Дэвис Кубогини ўтказиш муддати бир йилга кечиктирилди.

1902 йилги Дэвис Кубогида Англия шарафини ака-ука Догертиларнинг ҳимоя қилиши ҳам уларни мағлубиятдан сақлаб қололмади. Нью-Йоркда ўтказилган турнир яна америкаликларга ғалаба келтирди —3:2.

1903 йилигина ниҳоят инглизлар устун келдилар —4:1 ва кейин яна уч маротаба кетма-кет ғалаба нашидасини сурдилар —5:0.

1904 йилдан бошлаб иштирокчи давлатлар сони кўпайди. Белгиланган Низомга кўра Дэвис Кубогида теннис ассоциацияси томонидан расмий равишда тан олинган ҳар бир давлат спортчилари қатнаша олади. Асримиз бошларида бундай ҳуқуққа АҚШ ва Англиядан ташқари Австралия (Янги Зеландия билан биргаликда), Британияга қарам Жанубий Африка, Канада, Ҳиндистон, кейинчалик — Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Голландия, Швеция, Норвегия, Швейцария эга бўлди. 1904 йили турнирда уч миллий жамоа иштирок этган бўлса, 1913 йилга келиб улар сони саккизтага, 1928 йили йигирма тўрттага, 1993 йили бир юз биттага етди.

1923 йилдан бошлаб Дэвис Кубоги дастурига минтақавий саралаш мусобақалари киритилди. Аввалига улар иккита (Америка ва Европа) эди, ҳозир эса тўртта. 1981 йилдан бошлаб 16 жамоани бириктирган ҳолда олий лига баҳслари ўтказилади. Унда ўз минтақасидаги баҳсларда ғолиб чиққан жамоалар қатнашади. Олий лигадаги 16 жамоадан биринчи даврада ғолиб чиққан 8 жамоа бош соврин учун курашни давом эттиради, қолган саккизтаси эса минтақавий саралаш баҳсларида зафар қучган жамоалар билан келгуси чемпионатда олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини берадиган саккиз йўлланма учун курашадилар.

Халқаро теннис федерацияси Дэвис Кубоги нуфузини янада мустаҳкамлаш учун Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига фақатгина Дэвис Кубоги мусобақаларида қатнашган етакчи теннисчилар эга бўлиши мумкин, дея қарор қилди. Натижада, турнир аксарият спортчилар учун босиб ўтишлари мажбурий босқич бўлиб қолди. Албатта, бу қарорнинг нақадар ўринли ёхуд ўринсиз экани ҳақида истаганча гапириш мумкин. Аслини олганда бундай кескин чоралар кўришга ҳеч қандайин ҳожат йўқ эди, бизнингча. Чунки Дэвис Кубогининг обрўси шунчалар баландки, айрим иштирокчилар унда ғалаба қозониш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Масалан, 1984 йили Дэвис Кубогининг финал учрашуви Швецияда ўтказиладиган бўлди. Мезбонлар эса рақиблари — АҚШ теннисчиларига нложи борича ноқулайликлар яратиш ниятида учрашув майдонларидаги пластик қопламаларни олиб ташлаб ўрнига тупроқ ётқизиб чиқдилар. Бунинг учун ҳатто 31 минг доллар сарфладилар. Ва албатта, Швеция терма жамоаси 1984 йил чемпион бўлди.

Бундай айёрликлар турнир нуфузига путур етказмайди, аксинча, курашни янада қиздиради, унинг тақдири эса ишончли қўлларда. Дэвис Кубогини бугунги кунда ягона ташкилот — Халқаро теннис ассоциацияси ўтказади. Дунёдаги энг машҳур фирмалар унга ҳомийлик қиладилар, Японияннинг «Ниппон электрик компани», Швейцариянинг «Эбель», Германиянинг «Босс», «Кока-Кола» фирмаси шулар жумласидандир. Мазкур ҳомийлар турнир учун ажратган маблағига қараб тарғибот учун вақт ва жой оладилар; унда ҳатто ҳарфлар баландлиги ҳам чеклаб қўйилган. Бу Дэвис Кубогигагина хос жиҳатлардан биридир.

Мақолага нуқта қўйишдан олдин бир нарсани эътироф этиб ўтишни истардик. Дэвис Кубоги асос солинганининг 95 йиллиги нишонланажак 1994 йили Ўзбекистонда ҳам янги, йирик Халқаро теннис турнирига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Истардикки, Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказилажак турнир Дэвис Кубоги каби нуфузли, обрў-эътиборли, қизғин ва муросасиз баҳсларга бой, қадами қутлуғ бўлсин.

Шуҳрат АРМОН тайёрлади.



ДЭВИС КУБОГИНИНГ 80—90 ЙИЛЛАРДАГИ ФИНАЛ МУСОБАҚАЛАРИ

1980 йил.	Чехословакия—Италия.	4:1
1981 йил.	АҚШ — Аргентина.	3:1
1982 йил.	АҚШ — Франция.	4:1
1983 йил.	Австралия — Швеция.	3:2
1984 йил.	Швеция — АҚШ.	4:1
1985 йил.	Швеция — ГФР.	3:2
1986 йил.	Австралия — Швеция.	3:2
1987 йил.	Швеция — Ҳиндистон.	5:0
1988 йил.	ГФР — Швеция.	4:1
1989 йил.	ГФР — Швеция.	3:2
1990 йил.	АҚШ — Австралия.	3:2
1991 йил.	Франция — АҚШ.	3:1
1992 йил.	АҚШ — Швейцария	3:1

ДЭВИС КУБОГИ ҒОЛИБЛАРИ (1900 ЙИЛДАН БОШЛАБ)

АҚШ	— 30 марта
Австралия	— 26 марта
Буюк Британия	— 9 марта
Франция	— 7 марта
Швеция	— 4 марта
ГФР	— 2 марта
Чехословакия, Италия, ЖАР	— бир мартадан



ДЭВИС КУБОГИДА ҚУЙИДАГИ ТЕННИСЧИЛАР ЭНГ КЎП УЧРАШУВ ЎТКАЗГАНЛАР:

Николс Пьетранжелс (Италия)	— 164
Илия Нэстасе (Руминия)	— 146
Мануэль Сантано (Испания)	— 120
Александр Метревели (СССР)	— 105

ДЭВИС КУБОГИ ФИНАЛИГА ЭНГ КЎП МАРОТАБА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАН ЖАМОАЛАР (1900 ЙИЛДАН)

АҚШ	— 57 марта
Австралия	— 42 марта
Буюк Британия	— 17 марта
Франция	— 11 марта
Швеция	— 8 марта

* Футбол

ИШЛАР САРҲИСОБ ЭТИЛДИ

Кини кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон футбол федерацияси ижроия комитетининг ўтган миллий чемпионат якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш ишида пойтахт ва Тошкент вилояти, вилоятлар футбол федерациялари раҳбарлари, мураббийлар, мутахассислар, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари иштирок этдилар.

Ижроия комитет йиғилишида Ўзбекистон футбол федерацияси Президенти, республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов «Ўзбекистон футбол федерациясининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан бажарган ишлари ва 1994 йилги вазифалар» ҳақида маъруза қилди. Нотиқ ўз нутқида якунланган мавсум давомида республикамизда футболни ривожлантириш борасида анчамунча тадбирлар амалга оширилганлиги тўғрисида гапириб, шу билан бир қаторда жойларда қабул қилинган қарорнинг тўлиқ куч билан ишламаётганини алоҳида эътироф этиб ўтди.

Маъруза юзасидан музокараларда сўзга чиққан кишилар, жумладан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, республика касаба уюшмалари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Собитов, Олимпия ўринбосарлари тайёрлаш билим юрти футбол бўлимининг бошлиғи Акмал Азизхўжаев, Тошкент шаҳар Ҳокими ўринбосари, «Пахтакор» клуби раиси Шуҳрат Жалилов, «Нефтчи» жамоасининг бош мураббийси Юрий Саркисян ва бошқалар республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида футболни тараққий топтириш учун нималар қилиниши лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Энг яхши жамоалар, футболчилар, устозларга жамоатчилик ташкилотлари, газеталар таҳририятлари тавсия этган совринлар топширилди.

Ижроия комитетининг кенгайтирилган йиғилишида ўтган мавсумда юқори натижаларга эришган шаҳслар ва ташкилотларга совринлар топширилди. Танаффусдан сўнг йиғилиш иштирокчилари ўтган мавсум якунларини тасдиқладилар. Шунингдек, 1994—1996 йилларга мўлжалланган республика миллий чемпионати ва Кубок мусобақалари низомига ўзгаришлар киритилди.

Шу билан Ўзбекистон футбол федерацияси ижроия комитетининг кенгайтирилган мажлиси ўз ишини якунлади. Йиғилиш ишида Тошкент шаҳар Ҳокими Атҳамбек Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт комитети раиси Собир Рўзиев иштирок этдилар.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

* Спорт — * Спорт — * Спорт

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

коммунал-маиший ва саноат-ишлаб чиқариш йўналишидаги барча абонентларга 1994 йил 1 январдан бошлаб шаҳар канализация хизматлари ва сувқувур суви қийматига доир тарифларнинг ўзгарганлигини маълум қилади.

Истеъмолчилар гуруҳи	қўшимча қиймат солиғисиз сўмлардаги баҳоси (1 м³)	
	сувқувур суви	шаҳар канализация хизматлари
Давлат бюджетидаги коммунал-маиший корхоналар	36-00	25-00
Хўжалик ҳисобидаги коммунал-маиший корхоналар	80-00	40-00
Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқа корхоналар	105-60	80-00

Шу билан бирга, 1994 йилда сувдан ва шаҳар канализация хизматларидан фойдаланиш учун 1994 йил 1 февралгача шартнома тузиб қўйишни тавсия қиламиз.

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-61-28, 56-60-26, 56-61-25.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 2-уй.

«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг

«УЗБЕКСПЕЦТУР» РЕСПУБЛИКА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

БАҲРЕЙН қироллигида дам олиш билан янги саёҳат йўналишини эътиборингизга ҳавола қилади.

Сизни денгиз, 3—4 юлдузли меҳмонхона, сайр-саёҳатлар, буғ-ҳаммом ва ҳовуз (бассейн) кутади.

Биз энг арзон нархларда Ўзбекистон тоғларида 2, 3, 5 ва 10 кунлик истироҳат йўналишларини ташкил қиламиз. Сизларни «Чимён», «Янгиобод», «Оқтош» саёҳат-ишлаб чиқариш мажуаларига таклиф этамиз. Шунингдек, Чимёнга бир кунлик автобус сафарига ҳам чиқишингиз мумкин. Гуруҳлар учун транспорт ташкил этилади. Мактаб ўқувчилари учун енгиллик берилади.

Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз: Буюк Ипак йўли кўчаси, 115-уй («М. Горький» метро бекати, «Саёҳат» меҳмонхонаси орқасида), 2-қават, 40, 24, 28-хоналар. Телефонлар: 68-67-71, 68-67-83, 68-67-95. Факс 68-67-83.

ТАШКИЛОТ СИФАТЛИ ВА ЮҚСАК БАДИИЙ САВИЯДА ҚУЙИДАГИ БОСМА МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

— фирма бланкалари,

— ҳар қандай турдаги босма маҳсулотларнинг оригинал-макетлари,

— рангли реклама буклетлари, проспектлари, плакатлар, тақвимлар,

— ҳар қандай турдаги консерваланган маҳсулотлар, ичимликлар, мусалласлар учун ёрлиқлар,

— ёрлиқлар, нишонлар.

БИЗНИНГ МАҲСУЛОТИМИЗ ҲАР ҚАНДАЙ РАҚОБАТГА БАРДОШ БЕРА ОЛАДИ!

Ҳақ тўлаш усули — турлича.

Телефонлар: 32-58-32, 56-52-77.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 23-мактаб томонидан **Зокиров Собиржон Воҳидович** номига берилган 783855-сонли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти «Умид» маҳалласи фуқаролари йиғини раиси
Жўра ака ТИЛЛАХЎЖАЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТошДУ ўзбек филологияси факультети жамоаси ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти М. Аъламовага укаси
Бахтиёр АЪЛАМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгўштсутсаноати» давлат-акционерлик ассоциацияси жамоаси ассоциация режалаштириш бўлимининг бош мутахассиси С. Зукурллаевага онаси
Муҳаррам РАҲИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент таъмирлаш-қурилиш» трести жамоаси трест бошқарувчиси Ш. Ю. Мақсудовга акаси
Тоҳир МАҚСУДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 10.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; зълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 3 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.20. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г—743. 14576 нусхада. 1 2 3 4 5 6